

**O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

**Kasb ta'limi fakulteti 5140901-Kasb ta'limi (iqtisodiyot) bakalavr
ta'lim yo'nalishi talabasi Xalilova Kamolaning**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI


**Mavzu: «Fermer xo'jaliklari ishlab chiqarishini intensiv rivojlantirish-
ning iqtisodiy samaradorligi» mavzusini keys ta'lim texnolo-
giyasi asosida o'qitish metodikasini yaratish**

Rahbar:




Sh.Sh.Fayziyeva

Maslahatchi:



B.E.Yusupov

Ish bajaruvchi:



K.Xalilova

«Himoyaga ruxsat etildi»

«KT va P» kafedrası

mudiri

dots. Z.L.Botirov

« 27 » 06 2014 y.

«Himoya uchun DAK ga yuborildi»

«Kasb ta'limi» fakulteti

dekani

dots. Q.S.Jumanazarov

« 24 » 06 2014 y.

QARSHI-2014 y.

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

Kasb ta'limi fakulteti
5140901 - Kasb ta'limi (iqtisodiyot) ta'lim yo'nalishi

«TASDIQLAYMAN»

KT Sa P⁴ kaf.mudiri
Imzo dots. Botirov Z. S.
(imzo, f.i.sh)

«10» 12 2013 y

Bitiruv malakaviy ishi uchun

TOPSHIRIQ

Talaba Xalilova Kamola To'ychi qizi ga

1. Malakaviy ish mavzusi „Fermer xo'jaliklari ishlab chiqarishni rivojlantirishning iqtisodiy samaradorligi“ mavzusini keys ta'lim texnologiyasi asosida oqitish metodikasi ni yaratish

institutning № 584/8 buyrug'i bilan 06.12.2013 yilda tasdiqlangan.

2. Malakaviy ishini topshirish muddati 2014 yil 10 iyun

3. Malakaviy ish uchun ma'lumot Koson tumani „Fayziyev Abdusamad-Q“ fermer xo'jaligining 2011-2013 yillardagi ma'lumotlardan foydalaniladi.

4. Hisobiy izoh qismining mazmuni (ishlab chiqilishi lozim bo'lgan savollar ro'yxati) Bitiruv malakaviy ishining asosiy mazmunini yorituvchi jadval ma'lumotlari tahlil asosida keltiriladi. Shuningdek, ta'lim texnologiyasiga oid chuzmalar slayd ko'rinishida va targatma materiallarda aks ettirilgan.

5. Chizmalar ro'yxati (bajarilishi shart bo'lgan chizma va grafiklar)

1. Fermer xo'jaligining umumiy yer maydoni.
2. Ekin maydonlari tarkibi va hosildorligi
3. Yalpi hosil, mahsulot tannaxsi, paxtachilikning qal'achilikning iqtisodiy samaradorligi
4. Fermer xo'jaligining iqtisodiy ko'satkichlari.

6. Malakaviy ish bo'yicha maslahatchilar ushga mutaxassislik kafedrasidan dots. B. E. Yusupov maslahatchi etib tayinlangan. ifBo

7. Malakaviy ishini bajarilishi bo'yicha kalendar grafik

Haftalar soni	Malakaviy ish bo'limlari	Malakaviy ishning hajmi beti	Umumiy hajmga nisbatan %	Bajarilganligi to'g'risidagi belgi	Izoh
16.12.13y	Kirish	3	2.2%	bajarilgan	
26.12.13y					
14.01.14y	I bob. Fan va mad				
07.02.14y	Kuning ta'sifi	6	44%	bajarilgan	
10.02.14y	II bob. O'qitish				
28.02.14y	metodikasining umumiy masala-				
	lari.	37	28%	bajarilgan	
03.03.14y	III bob. Ijtimoiy-				
05.04.14y	ig'bisodiy masala-				
	lar majmuasi.	60	45%	bajarilgan	
07.04.14y	IV bob. Nazariy				
26.04.14y	dars o'tish metodikasi.	12	9%	bajarilgan	
28.04.14y	V bob. Amaliy				
17.05.14y	mas'g'ulot o'tish metodikasi.	9	7%	bajarilgan	
19.05.14y	Xulosa va				
31.05.14y	takliflar	3	2.4%	bajarilgan	
02.06.14y	Foydalanilgan				
04.06.14y	adabiyotlar ro'yxati.	2	2%	bajarilgan	
	Jami:	136	100%	bajarilgan	

Malakaviy ish rahbari Baffa dots. Fayziyeva Sh. Sh.

Topshiriq olingan kun 2013 yil 12 dekabr

Talaba Kalilova K. J.

Кириш

Республикаимизда янги кадрни шакллантириш вазифаларининг хилма – хиллиги ва мураккаблиги бўлажак иқтисодчи педагоглар тайёрлаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Бугунги кунда касб – ҳунар коллежларига мохир иқтисодчи – педагоглар керак. Педагогик маҳорати эса ўқув тарбиявий фаолиятининг барча турларини қулайлаштиришни моҳирлик билан уддалашдан иборат. Шу боис мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш борасида замон талаблари асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз касб – ҳунар коллежлари ҳам замон талаблари асосида ривожлантирилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва интенсив ривожлантириш масаласи суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.”¹

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди. Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади. 2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи, баҳоси, фойда категориялари ўртасидаги ички зиддиятлар ривожлантиришининг ҳаракати сифатида қараладиган бўлса, уларнинг ечимини топиш аниқ масала сифатида иқтисодиёт фанида долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга

қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.”²

Миллий дастур талабларидан келиб чиқиб, касб – ҳунар коллежларининг бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди, илғор педагогик технологиялар ўқув жараёнига кенг жорий этилди, ўқув жихозлари ва усқунлари билан таъминланди.

Битирув малакавий ишида инфратузилмани ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигининг моддий – техника ресурсларидан самарали фойдаланишнинг йўллари яратилди. Битирув малакавий ишда интерактив методлар асосида техник воситалари асосида ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш, назарий ва амалий дарслар ҳамда иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари таҳлили натижалари келтирилди.

И.А.Каримов 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Халқ сўзи. 2012-йил 20-январ.

1. Фан ва мавзунинг тавсифи.

1.1. Касб – ҳунар коллежларида кичик мутахасислар тайёрлашда “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг тутган ўрни ва фанлараро боғлиқлиги.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ҳамда касб-ҳунар маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим турларидан ўрта махсус, касб – ҳунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Узлуксиз таълимни энг муҳим бўғини ҳисобланган ушбу таълим тури ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлаб берилади. Шунинг учун ҳам касб – ҳунар коллежларида таълим – тарбия жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қиладиган, фикр юритадиган, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатадиган юқори малакали иқтисодчи – педагогларга эҳтиёж катта.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари, қонун – қоидаларига мувофиқ, дастурнинг талаблари асосида касб – ҳунар коллежларида тайёрланадиган малакали кадрлар “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанини мукамал ўрганиш билан бир қаторда умумиқтисодий фанлар бўйича назарий ва амалий билимларга эгадир.

“Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фани қуйидаги фанлар билан ўзаро боғлиқдир.



1.1-расм. “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанинг фанлараро боғлиқлиги.

1.2. Танланган мавзунинг долзарблиги.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, дарсликлар, ўқув – методик қўлланмаларни миллий таълим – тарбия анъаналари асосига қуриш масалалари кўтарилган ва шу муаммони ҳал қилиш йўл – йўриқлари кўрсатилган. Бу иккита қонун ҳужжати асосида амалга ошириладиган мислсиз ислоҳотлар касб – ҳунар таълими тизимида ўз бурчлари ҳамда вазифаларининг онгли бажаришга асосланади. Бу эса ўз навбатида таълим жараёни самарадорлигини ошириш бўлади. Шунингдек, таълимнинг самарали кечишини таъминлаш омили сифатида замонавий педагогик технологиялар ва ўқитишнинг техника воситаларидан ўз ўрнида фойдаланишни талаб қилади. Айнан таълим тизимимиз учун янги поғона бўлган ўрта махсус, касб – ҳунар таълими тизимида замонавий ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш масалалари ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур муаммони ьартараф этиш, ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш борасида таълим методлари ва ўқитишнинг энг янги техник воситаларининг тутган ўрни самаралилигини ва аҳамиятли эканлигини, асосан қуйидаги натижаларга эришишини таъминлайди:

- ўқув жараёнидан кўзланган мақсадга аниқ эришишни;
- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришига олиб келиши;

- ўз вақтида алоқаларнинг такомилланиши;
- ўқувчининг билиш фаолиятини жонлантириш ва ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилашга эришишини;
- мотивацияни юқори даража бўлиши;
- ўтилган материал яхши эслаб қолинади;
- жонли мулоқотга киришиш кўникмаси такомиллашади;
- ўқувчиларнинг дарсга бўлган (қизиқиш) муносабати ижобий томонга ўзгаради ва муаммоларни ечиш кўникмалари шаклланади;

1.3. Касб – хунар коллежларининг мақсад ва вазифалари.

Таълим тизимида касб – хунар коллежи ўқувчиларининг касб – хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб – хунар ўқув юртидир. Касб- хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб – хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб – хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб – хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради, бу еса улар учун жуда фойдали.

Касб – хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатдан янги тилдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб – хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Касб – хунар коллежларида ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. Касб – хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки танланган ихтисос ва касб – хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб – хунар таълимини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:

- касб – хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларининг ишлаб чиқариш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахасисларининг жалб этган ҳолда юқори малакали мутахасисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

- касб — ҳунар таълимини давлат стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- касб — ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб — ҳунар дастурлари, ўқув — услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

- касб — ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахасисларга нисбатан ихтисос ва касб — ҳунар малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик шарт шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахасисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб — ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва уларни оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

- касб — ҳунар коллежларининг моддий —техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Касб — ҳунар коллежлари таълими сифатини яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчилар давлат аттестациясидан ўтказилиши ва таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилиши лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида кўзда тутилган масалаларни ижобий ҳал этиш соҳасида касб — ҳунар коллежлари фаолияти ҳам янада яхшиланди.

2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари

2.1. Дидактиканинг моҳияти.

Дидактика педагогиканинг бир қисми бўлиб, унда таълим назарияси баён этилади.

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекчасўз бўлиб “дидайко” – ўқитиш, “дидаскол” – ўргатувчи деган маънони билдиради. Демак, унинг айнан таржимаси Таълим назариясини англатади. Бу еса жуда муим исобланади.

Таълим назарияси, таълим жараёни ва шунингдек, унинг моҳиятини, таълим қоидалари, усуллари ҳамда ташкилий формаларини ўзининг ичига олади. Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчи – талабаларнинг ҳар томонлама тарбиялаш мақсадаларига жавоб берувчи умумий қонуниятларини билиб олиш вазифасини қўяди.

Касб – ҳунар таълимида дидактик таълимнинг аҳамияти катта. Унинг ривожланиши эса янги – янги ислохотларни ўтказилишига, таълимда туб ўзгаришларга олиб келади.

Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усуллари янада ишончлироқ танлашга имкон беради. Бинобарин касб – ҳунар ўқиш жойларида яъни коллежларида таълим – тарбия жараёнининг ҳамма томонларини умумгуруҳ ўқувчилари жамоасига хос хусусиятларга амал қилган ҳолда йўлга қўйилади. Касб – ҳунар коллежларида ўқув ишлари, ташкилий шакллари “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га асосланади.

Дидактиканинг предмети таълим – тарбия муассасаси шароитида ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятларини тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим – тарбия муассасаларида бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Марказий Осиё халқлари тарихида дидактикага оид ўлмас асарлар ёзиб қолдирган мутафаккирларимиздан Ал – Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, М.Улуғбек, А.Навоий каби алломаларимиз тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география, математика каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини илгари сурдилар.

Шарқу ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди. Дидактиканинг асосчиси бўлиб ХВИИ – асрнинг буюк чех олими Ян Амос Каменскийдир. Ян Амос Каменский (1594 - 1670) бутун дунёда педагогик

фикрлар ва мактаблар тараққиётига жуда улкан ҳисса қўшган етук олимдир. Унинг 1632 – йилда ёзган “Буюк дидактика” асари ўқитишни ривожлантиришга ҳоят сезиларли таъсирини кўрсатади, шунинг учун ҳам бу асар жаҳон педагогикаси олтин хазинасининг ноёб гавҳари ҳисобланади. Европада дидактиканинг ривожлантиришда Ян Амос Каменскийдан кейин рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг ҳам хизматлари катта.

Ўзбекистонда (кейинги йилларда) дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши А.Авлоний, Х.Ҳ.Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий, М.Бехбудий, О.Шарафиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Мустақил республикамизда 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг 9 – сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий омил бўлиб ишлаб чиқилиши таълим – тарбия соҳасида муҳим ўзгаришлар ва туб ислохотларнинг ўтказилишига сабаб бўлди. Шу боисдан бугунги кунда таълим – тарбия муассасалари фаолиятини яхшилаш, шакллантириш, ўқитиш тизимини яхши йўлга қўйиш ва янги педагогик технологияларни жорий этишга эришилмоқда.

Маълумки, дидактик таълимнинг ривожланиши бевосита касб – ҳунар таълимида ҳам туб ислохотларнинг ўтказилишида муҳим омил ҳисобланади.

Касб – ҳунар таълимига қатор дидактик талаблар қўйилади. Булар қуйидагилар:

1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги;
2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги;
3. Ўқув материални тўғри танлаш;
4. Таълим методларини аниқ мақсадларга қарата олиш;
5. Ўқувчилар ишларида ҳавфсизликни таъминлаш;
6. Дарсинг ташкилий аниқлиги;

Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усулларини янада ишончлироқ танлашга имкон беради. Касб – ҳунар коллежларида таълим – тарбия жараёни умумгурух ўқувчилар жамоасига хос ҳолда йўлга қўйилади.

2.2. Дидактик принципларни ўқув жараёнига қўллаш.

Таълимни ташкил этишда ўқитувчи фаолиятининг муваффақияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларида

умумий дидактик принцип (қонуният)ларни қанчалик тўғри амалага оширишига боғлиқ. Таълим жараёнида таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожлантиришларини бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Таълим қонуниятлари бу – ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир. Таълим принцип(қонуният)лари деб, таълимнинг барча босқичлари ва ҳамма предметларини ўқитиш учун асос бўладиган қонунлар, қоидаларга айтамыз. Таълим қонуниятлари ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги энг муҳим чиқиш аҳамиятни акс эттиради. Ўқитишнинг принципларидан унинг қоидалари келиб чиқади ва улар у ёки бу принципларнинг хусусий қоидаларини акс эттиради. Ҳар бир ўқитувчи шуни англаб етиши муҳимки, ўқув жараёнини самарали қилиш – бу ишда, ўзини оқлаган педагогик қонуниятлар, қоидалар. Дидактик қоидаларни ҳозирги замон шароитидаги янги масаларни ҳал қилишда ижодий фойдаланган ҳолда, булардан бутунлай ва ўзаро алоқада фойдаланишдан, уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш қоидалари деб атайдилар.

Таълим қоидалари – ўқитишнинг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл – йўриқларини ўз ичига олади. Таълим қоидалари деб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидалар йиғиндисига айтилади. Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси. Таълимнинг илмийлиги қоидаси ўқувчининг ўқув материалларидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир. Назарий қоидаларни тушуниш – материални илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди;

2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши қоидаси. Ўқитувчининг билимларни тизимли баён қилиши ўқувчиларга ўқув предметининг структураси ва мантиғини чуқурроқ тушуниш, шунингдек фаннинг бош ғояси ва асосий қоидаларини ажартиш, табиат ва жамият ҳодисалари ўртасидаги ички боғланишни аниқлаш имконини беради. Ўқитишнинг тизимлилиги ўқитишда муваффақият гарови бўлиб, фикрларни тартибга солади, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни осонлаштиради

ҳамда яхшиланишини таъминлайди. Таълимда изчилликка риоя қилиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларга замин ҳозирласин. Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир;

3. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси. Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси асосий ва етакчи қоидалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда йўлга қўйишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга;

4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши қоидаси. Дидактикада таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи қоидадир. Хар бир фанни назарий тушунтириш билан бирга уни амалий томонини, амалиётга тадбиқ этиш йўллари хам ўрганиш лозим. Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидасининг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида ўқувчилар шу ўқув материалларининг туб моҳиятини тўғри ва чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар;

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси. Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларда тафаккурни ва нутқни ривожлантиришни назарда тутди. Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллиги, аввало уларнинг ақлий фаолияти – тафаккур қилиш фаолиятидир;

6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси. Бу қоида дидактик қоидалардан бири бўлиб, ўқитиш жараёнининг сифатини орттиради, ўқитувчиларнинг малакасини кўрсатади ва ўқувчиларнинг билим олишларни осонлаштиради. Кўрсатмалилик принципи идрок этишни осонлаштириши ва назарий билимларни ҳаёт, амалиёт билан боғлаши имконини беради;

7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш ва таълимнинг ўқувчига мос бўлиши қоидаси. Таълимнинг муваффақиятли бўлишида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга мос муомала қилиш асосий ўрин тутди. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш қоидаси бу – ўқув материалларининг мазмуни, унинг ҳажми, характери, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожи, ақлий қобилияти ва умумий тайёргарлиги – савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши тушунилади;

8. Пухталиқ. Таълим жаарёнидан кўзланган мақсадга эришиш учун дарс пухта режалаштирилган бўлиши керак;

9. Таълимнинг тарбияловчилик характери. Ўқитувчи фаолияти таълим жараёнида билим бериш билан бир қаторда у тарбияловчилик характериға ҳам эға, чунки у таълим ва тарбия ижодкори ҳисобланади.

2.3. Касб – ҳунар коллежларида ўқитишнинг мазмуни.

Касб – ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларға ўз билимларини чуқурлаштириш ва шунингдек, танланган ихтисосларға эға бўлишни таъминлайди ҳамда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш, эғаллаган ихтисос ва касб – ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб – ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг билиш жараёнида эғаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимға солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади. Таълим жараён сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг маълум йиғиндисини фаолият ва муносабатларининг тегишли тажрибасини ўзлаштиришға қаратилган махсус ишларни ташкил қилишдир. Таълим натижаси сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Мамлакатимизда касб – ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларға эға бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборат.

Таълим мазмуни ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси – давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб бреувчи давлат ҳужжатиға айтилади. Ўқув режалари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади. Шунингдек, ўқув тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосан тузилади.

Ҳар бир ўқув фани учун ўқув дастури тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир. Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчилар ға бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади.

Дастурнинг асосий вазифаси – ўқув предметини мазмунини ифодалашдир. Унда курснинг синфларға, курсларға мавзуларға бўлиниш, уларнинг тартиби, соатлар тури кўрсатилади. Шундай қилиб, дастур иккита вазифани бажаради; таълимнинг мазмунини ўқув предмети асосида акс эттиради ва предмет учун муайян норматив сифатида хизмат

қилади. Шунингдек, у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

Дарслик ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Дарслик – ўқувчиларнинг иккинчи “муаллими” чунки, у аввало ўқувчи учун зарур қўлланмадир.

Дарслик – ўқувчиларнинг китоби ва унинг энг муҳим қуролидир. Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир. Дарсликлар билан бир қаторда айрим қўлланмаларни ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, атласлар, луғат китоблари, хрестоматиялар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

2.4. Дарс, унинг турлари ва тузилиши, дарсга бўлган талаблар.

Маълумки, дарс жараёни – ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга оширади. Дарс ўқитишни ташкил этишнинг ягона ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўллари излайди. Турли – туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим;

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий – сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим;

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи, шунингдек, хилма – хил усул, услуб ва дидактик воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилиши лозим;

4. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ зарур;

5. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминлаши лозим;

6. Дарсда ўқув материалининг мазмунига оид қуроллар, техник воситалар компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратиш лозим;

7. Дарсда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилар:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси (маъруза);

2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дarsi;
3. ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дarsi;
4. Такрорлаш – умумлаштирувчи ва кириш дарслари;
5. Аралаш дарс (юқорилаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши);

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарсa ўқитувчининг ўқув материални тўғри ва самарали тушунтиришга, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришга ёрдам беради. Демак, дарс бошдан – оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш (савол – жавоб), янги билимлар устида машқ ўтказиш (масала ва мисоллар ечдириш, график ишлари олиб бориш), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементини тушунтириш, йўл – йўриқлар кўрсатиш ва ҳоказолар)каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин.

Дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини англатади. Бироқ, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қилади. Дарснинг тузилиши қўйилган талаблар, мақсадларга, ўрганилаётган материални мазмунига, таълимнинг дарсда қўлланадиган методлари ва усулларига, ўқувчиларнинг тайёргарлик ва камолот даражасига, дарснинг ўқув жараёнидаги ўрнига боғлиқдир.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усуллариининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади. Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

1. уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
2. янги материалларни баён қилиш;
3. янги материалларни мустаҳкамлаш;
4. уй вазифаларини топширишни ўз ичига олади.

Бунда,

а) уй вазифаларини кўриш суҳбат (савол - жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин;


б)янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи босқичи;

в)янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усулларида фойдаланиш мумкин. Бу дарс тузилишининг учинчи қисми, учинчи боқичи;

г)уй вазифаларини топишиш жараёнида тушунтириш. Сухбат усулидан фойдаланишимиз мумкин. Бу – дарс тузилишини тўртинчи қисми, дарснинг тўртинчи босқичидир. Юқорида кўриб ўтилган дарс турларининг ҳаммаси ўз тузилишига эга бўлганидек, маълум босқичларга ҳам ажралади.

Таркибий – умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтганидан кейин ўтказилади. Бунда ўтилган материалларни такрорлаш – қайта эса тушириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтилган мавзуларни қамраб олган ва бир – бирига боғлиқ бўлган саволлар орқали умумлаштириш назарда тутилади.

2.1. – расм. Дарснинг структуравий тузилиши



2.5. ўқитиш методадларини танлаш ва асослаш.

Назарий таълим методлари.

Таълим бериш, ҳар бир мавзунинг мағзини ўқувчилар онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан изланиши, кўп мутолаа қилишни талаб қилади. Билим уммонига бой бўлган устозгина мавзуни мағзини ўқувчилар онгига моҳирона етеза олади. Мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билади. Таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга “усул” ва, “восита” атамалари ҳам ишлатилади.

Усул – маълум ўқув материални ўқишдаги қўлланиётган асосий ўқитиш методи билан иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита – ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир. Педагогикада таълим методларини белгилашда бир хил ёндашиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар методларни белгилашда билим манбааларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар, чунончи, оғзаки (суҳбат, тушунтириш, баён қилиш, ўқувчиларнинг техник адабиётлар билан мустақил ишлаши ва бошқалар); кўзгазмали (кўргазмали қурол, кинофильм ва диафильмларни намойиш этиш); меҳнат усулларини кўрсатиш ўқувчиларни мустақил кузатишлари ва бошқалар; амалий (машқлар, операциялар, иш усуллари, амалий лаборатория машғулоти) ва бошқалар шулар аторидадир.

Таълим жараёнида педагогика назарияси ва амалиёти ўқувчилар билиш фаолиятининг характери бўйича таснифланадиган методларни қўлламоқда. Таълим жараёнида қўлланадиган методлар ўқувчилар фаоллигини ошириш, ўргатилаётган ўқув методларини ўқувчилар чуқур ўзлаштиришини таъминлаши зарур.


Кўргазмали – тушунтириш методи. Ўқитувчи ҳар хил кўргазмали воситалар ёрдамида ўқувчиларга тайёр маълумот беради. Бунда ўқувчиларда берилаётган маълумот бўйича аниқ тасаввурлар уйғонади, шаклланади ва улар томонидан материални идрок қилиш вақти қисқаради. Кўргазмали ташкил этилган назарий дарс машғулотида берилган материаллар узоқ вақт мобайнида ўқувчилар хотирасида сақланади.

Мавзуни муаммоли баён қилиш методи. Ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради, дарс давомида уни ҳал қилиш йўллари

тушунтириб боради ва ҳал қилади. Ўқувчилар ўқитувчилар билан биргаликда муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Таълим жараёнидаги анъанавий ўқитиш методлари – оғзаки баён қилиш, тушунтириш, суҳбат, маъруза, ўқув адабиётини ўқиш, тажрибаларни ўтказиш, натурал объектларни кўргазмали воситаларни намоиш этиш, машқ, ёзма иш, график иш, лаборатория ишлари – баён этилган методлар тизимида восита ва усл сифатида намоён бўлади. Ўқитувчи эса улар ёрдамида у ёки бу методлардан фойдаланиб дарсини юқори савияда ўтказади.

Амалий ўқитиш методлари. Амалий метод деганда ўқув материални машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялари, комплекс ишлар ва вазифаларни бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлар, тренажёрларга оид машқлар, лаборатория – амалий ишларга эса технологик жараёни бошқариш машқлари киради.



2.2.-расм. Таълим бериш методлари

2.6. таълимнинг янги педагогик технологиялари.

Педагогик технология (ПТ) – шундай бўлимлар соҳасики, улар ёрдамида 3 – минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда ҳурфикрлик, билимга чанқоқлик, ватанга меҳр – муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади.

Дастлаб “технологик” тушунчаси фанга 1872 – йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан – “технос” (технос)- санъати, хунар ва “логос” (логос) – фан сўздаридан ташкил топиб, “хунар фани” маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик – бу ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда ва маълум кетма –кетликда таъсир кўрсатиш ва акс эттириш маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириш жараёнидир. 70 – йиллардан бошlab педагогик адабиётларга ПТ тушунчасининг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т.Сакомото томонидан “ўқитиш технологияси – бу ўқитишнинг мақбуллиги таъминловчи йўл – йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси эканлиги эътироф этилади. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса, унинг бир ёқламалигини яққол билиш мумкин. Бу камчилики биринчи бўлиб академик В.П.Беспалко пайқайди ва ўзининг йирик асарида “ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир” деб таърифлайди.

Ўқув – тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқараётган шартларидан биридир. Шу сабабдан бу педагогик феноменининг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

1997-йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда таълим технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ олимлар рус олими С.Г.Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланган:

- техникани билиш ва мукаммал эгаллаш;
- аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш;
- техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш;

Бироқ бу фикрни бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Охириги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХ га кировчи мамлакатлар ичида биринчилардан ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Беспалконинг фикрича “ПТ – бу ўқитувчи боғлиқ бўлмаган ҳолда

педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчини шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир”.

В.П.Беспалконинг Ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Саидахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, ПТ – бу ўқитувчи (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талабалар)га муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Педагогик жараён мажмуини муайян бир вақт мобайнида босқичма – босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади. Педагогик технологиянинг анъанавий услублардан асосий фарқи, унинг тўла тўқис мажмуалари назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигидир.


Педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги, у таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим ёриш усуллари ва воситалари ҳамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни мажмуага келтириб, таълим босқичларини лойиҳалаб, таълим жараёнини назорат ва таълим натижаларини баҳолаш каби қисмларини ўзаро узвий боғлаб мажмуага келтириб туриб, унинг лойиҳасини тузишдадир.

Унинг анъанавий услубларидан кейинги фарқи. у талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларини бажаришга йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз.

Ўқув жараёни технологияси алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув предметининг бир қисмига ва бутун ўқув предметига тузиб чиқилиши мумкин.

Касб – ҳунар коллежларида педагогик технология асосида дарс ўтиш педагогик тизимни лойиҳалаштириш сифатида таълим жараёнининг яхлитлигини, узвийлигини таъминлайди.



2.3. – расм. Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари

Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари:

- Таълим жараёнининг умумий лойиҳаси;
- Таълимни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж;
- Таълим мақсади;
- Таълим мазмуни, шакл, метод ва техник воситалар;
- Ўқувчи фаолияти;
- Ўқитувчи фаолияти;
- Таълим натижалари.

2.7. Ўқитишда кўргазмали қўлланма ва дидактик воситалар мажмуасидан фойдаланиш.

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим тамойилларидан бири – кўрсатмалилик тамойилидан фойдаланадилар.

Кўргазмали қўлланмалар – ўқувчилар томонидан ўрганиладиган объектлар, ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида яққол тасаввурлар ҳосил қилиш мақсадида ишлатиладиган воситалардир. Ўзлаштириладиган билимлар характериға, ўқувчиларда мавжуд бўлган тасаввур, тушунча, ҳайт ва иш тажрибасига, дарснинг аниқ вазифаларига қараб кўргазмали қўлланмалар ўқитишда ҳар хил ролни бажаради.

Ўқув жараёнида кўргазмали қўлланмалардан кенг ва қуйидаги ҳолларда фойдаланилади;

- ўрганиладиган объектнинг асли жуда катта ёки кичик бўлганда;
- ўрганиладиган объект ёки ҳодисаларнинг аслини бевосита кузатиш мумкин бўлмаганда;
- тушунчани график тарзда тасвирлаш талаб этилганда;
- мураккаб объектларни оддийлаштириш ёки ишлаш жараёнини кўрсатиш зарур бўлганда;

Ўқувчиларға янги материални баён этишдаги кўргазмали қўлланмалардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланиш катта аҳамиятға эға. Педагогика фани ва илғор тажрибани дарсда кўргазмали қўлланмалар намойиш қилишға оид методик талаблар ишлаб чиқди, бу талабларға риоя қилиш уларнинг дидактик қимматини оширади.

Намойиш қилинаётганларини идрок этиш жараёнида ўқувчилар сезги органларининг кўриш, эшитиш, сезиш, зарур ҳолларда эса таъм билиш ва ҳид билиш органларининг кўрини жалб этиш керак. Ўқитувчи сўзи билан кўрсатмалиликнинг тўғри қўшиб олиб борилиши катта аҳамиятға эға. Кўргазмали қўлланмаларни идрок этишнинг асоси биринчи сигнал системадир, аммо иккинчи сигнал система унинг сигналларига тартибға солувчи таъсир этади.

Дидактик воситалар мажмуасига ахборот беришда фойдаланиладиган техника (кинопроектор ва диапроекторлар, эдидиаскоп, фильмоскоп, магнитофон ҳамда телевизион қурилмалар) гина эмас, балки тегишли техника билан бирға фойдаланадиган ўзига ва ахборот элтувчиларнинг ўзи (кинофильмлар, диапозитивлар, дастурлаштирилган топшириқлар, туширилган карталар тўплами ва шу кабилар) ҳам киради. Дидактик воситалар мажмуасининг имкониятлари, методлари ва ишлатилиши усуллари синчиклаб ўрганилгандагина ўқув жараёнида улардан самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳар бир ўқитувчи бу воситалардан фойдаланишни билиши, бу соҳада тегишли билим, ўқув ва малакаларға эға бўлиши керак.

Касб – ҳунар коллежларида юқори малакали уста ва ўқитувчилар. Бой техникавий имкониятлар, ўқувчиларнинг техникавий ижодиёти кенг ривожланганлиги туфайли ўқув хоналарини Дидактик воситалар мажмуаси билан жиҳозлашға, бу воситаларни билим юртларида

тайёрлашга, саноатда ишлаб чиқарилган техника воситаларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Хоналарни Дидактик воситалар билан жиҳозлаш ишида қуйилаги асосий техникавий педагогик талабларга амал қилиш керак:

1. Ўқув кабинетларини дидактик воситалар мажмуаси билан жиҳозлашда ўқув жараёнида улардан комплекс тарзда фойдалнишни ҳисобга олиши зарур;

2. Ўқув хонасининг истаган жойида кўриш ва эшитиш учун яхши шароит таъминлаш лозим;

3. Ўқув хоналарида дидактик воситалар мажмуаси ишлатилганда шовқин манбаларини йўқотиш керак;

4. Барча техникавий қурилмалар пухта ва ишлатилиши оддий бўлиши керак;

5. Ишлатилиши иқтисодий жиҳатдан маъно – мақсадга мувофиқ бўлиши зарур.

Диафлём ва диапозитивлар. Ўқув киноси каби кўрсатмалилик воситаси ҳамда ўқувчилар билимларининг дастлабки манбаи бўлиши керак.

Таълим жараёнида кўргазмали қўлланма ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш орқали талабалар томонидан ўзлаштириладиган материал пухта ўзлаштирилишига, узоқ вақт хотирасида сақланишига, идрок қилиш вақтини қисқартиришга замин яратилади. Бунда ўқитувчи дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланади, ҳамда жалб қилади, шунингдек талабаларда фанга нисбатан ижобий муносабатларини шакллантиради.



2.4.-расм. Машгулотларда кўргазмали тушунтириш



2.5.-расм. Дидактик воситалар мажмуаси билан ўқув хоналарини жиҳозлашдаги талаблар

3. Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси

3.1. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушунча, унинг иқтисодий моҳияти ва асосий омиллари

Янги ХХИ асрнинг бошларига келиб, Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётидаги барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида туб бурилишлар ва ўзгаришлар юз бермоқда.

“Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлариغا бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”.¹

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида инновацияларни киритилиши оқибатида мамлакат иқтисодиётида чуқур иқтисодий силжишлар кузатилмоқда.

Инновация – фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув соҳасида янгилик киритиш.

Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантикий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд: янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Иқтисодиёт фани ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бир-биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб

¹ Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради.

Ишлаб чиқариш ресурсларини кўпроқ жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча барчаси чекланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг ҳудуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Ер бирлиги ёки бир бош чорва молигасарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас. Интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсиши нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархи нисбатан камайиб бориши лозим. Интенсив ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳмиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигида маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ҳар бир технологик жараён учун оптимал агротехника муддатлари мавжуд. Ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

Ҳар бир экин тури учун зарур минерал ўғит миқдори белгиланган. Агарда меъёрдан ортиқ минерал ўғит солинадиган бўлса, экиннинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этиб, унинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, интенсивлаштиришнинг маълум даражада чекланганлигидан далолат беради. Бу масаланинг ечими фан – техника тараққиётидадир.

Фан – техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, фан – техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унимли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унумли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

“Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим. Шунингдан олиш керакки, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Масалан, чорвачилик соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Бу ўринда гап фақат ўзига хос иқлим шароитлари билан эмас, балки энг асосий масала бўлмиш замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.²

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан – янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан – техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чекланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Ҳозирда пахта ва буғдойнинг серҳосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясини оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб

² Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Иқтисодий фан интенсивлаштириш кўрсаткичларини икки бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳга интенсивлаштириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади. Бу кўрсаткичлар интенсивлаштиришнинг бир томонини ифода этади. Яъни, интенсивлаштириш даражаси маълум экин тури, чорва ҳайвонлари учун танланган технология бўйича меҳнат ва моддий харажатлар сарфи оширилишини кўрсатади. Бу кўрсаткичларда бир гектар экин майдонига, бир бош чорва ҳайвонига сарфланаётган (харажатларнинг) ресурсларнинг миқдори ифода этилади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Экин майдони бирлигига тўғри келадиган асосий активлар ва айланма маблағларнинг миқдори. Бу ҳўжаликда мавжуд асосий активлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ер (экин майдони, ҳайдаланадиган ерлар ёки қишлоқ ҳўжалиги ерлари) майдонига бўлиш билан аниқланади;

2. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жорий харажатлар миқдори;

3. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори;

4. Бир бирлик ерга тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори;

5. Ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорва молларининг бош сони;

Ана шу кўрсаткичлар тизими интенсивлаштиришнинг даражасини ифода этади.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиб беради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ҳосилдорлик, ц/га;

2. Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот;

3. Бир бирлик ер майдонидан олинadиган фойда миқдори;

4. Меҳнат унумдорлигининг ошиши;

5. Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши;

6. Рентабелликнинг ўсиши;

7. Фонд қайтимининг ошиши;

Ана шу кўсаткичлар тизими ёрдамида интенсивлаштиришнинг самарадорлиги аниқланади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни доимий ривожлантириш талаб этилади. Қишлоқ ҳўжалигида интенсивлаштириш қуйдаги асосий йўналишларда олиб борилади: кимёлаштириш – қишлоқ ҳўжалигини

интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали минерал ўғитларни ишлаб чиқариш, уруғларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш ва шу кабилар. Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигида сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши — ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унимдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугинги ривожини кўриш мумкин эмас.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади. Бу ривожланишга эстенсив ривожлантириш ва интенсив ривожлантириш йўлларида фойдаланган ҳолда эришилади.

Фермер хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликни ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларини бошини кўпайтириш ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда техника технологияси, сифат даражаси, ер унумдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди.

Экстенсив омиллар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ўз тарихининг дастлабки даврлардан бошлаб, ўзлари ўзлаштирган ерларни тарк этиб унумдор ерларни қидириш учун ер шарининг ҳар томонига тарқалганлар. Янги ерларни ўзлаштириш ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимиздаги каби дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам давом этмокда. Шу билан биргаликда дунё мамлакатларининг ривожланиш тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни нисбатан самарадорлик ва аҳамиятироқ шакли бўлган интенсивлаштириш муҳим ўрин тутади.

Фермер хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шаклида- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сифат омиллари эвазига, яъни

ишлаб чиқаришга нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор технология, илмий-техника тараққиёти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали амалга оширилади. Шунинг ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив шакли баъзи ҳолларда самарали бўлиши мумкин, шунга мувофиқ ҳар доим экстенсив шаклни самарасиз деб таъкидлаш фикри ўзини оқламайди. Амалда бу икки йўл ишлаб чиқаришни ривожланишида бир-бирини тўлдириб, пираворида умумий иқтисодий самардорликни ортишига олиб келади.

Фермер хўжалигини интенсивлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

1. Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш. Фермер хўжалигини юксалтиришни бирламчи масалаларидан бири хўжаликда иқтисодий муносабатларини ўзгартириш, деҳқонларга кам харажатлар сарфлаган ҳолда кўплаб сифатли маҳсулот етиштиришга интилиш ҳиссиётига эга бўлган ернинг ҳақиқий эғалик ҳуқуқини яратиш. Фермерларга мустақил ҳаракат этиш, тадбиркорлик ва ташаббускорликни амалга оширишга замин ярата оладиган хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка ва шаклига асосланган муҳитни яратиш;

2. Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш. Қишлоқ хўжалигини мавсумийлик хусусиятига мутаносиб ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шакллари кенг ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришда сақлаш, қайта ишлаш шохобчаларини яратиш. Маҳсулотларни нобудгарчилигини олдини олиш билан бир қаторда уларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;

3. Фермери хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш асосида ернинг унумдорлигини ошириш орқали деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар ётади:

а) Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга қаратилган минерал ўғитларни қўллаш тадбирлари;

б) Кимёвий воситалардан бегона ўтларга қарши курашиш тадбирлари;

в) Ўсимлик ва чорва молларининг зараркунанда ҳашоратлари ва касалликларига қарши курашишда кимёвий воситалардан фойдаланиш тадбирлари;

г) Чорва молларини тўйимлигини оширишда кимёвий маҳсулотларни кенг қўламда қўллашга қаратилган тадбирлар;

д) Қишлоқ хўжалиги чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишда қўшимчалардан фойдаланиш.

4. Мелиорациялаш - суғориш, зах қочириш, ерни оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш тадбирлари;

5. Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш. Деҳқончиликда мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) Илмий асосланган ўғит меъёрларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа талабчанлигини оптималлаштириш;

б) Қишлоқ хўжалик экинларини интенсив навларини ишлаб чиқаришга тадқиқ этиш;

в) Ердан ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланишни кўзда тутган ўсимликларни жойлаштиришнинг рационал усулларини ишлаб чиқиш;

г) Қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш орқали агротехника тадбирларини амалга оширишни қисқартириш ва қўшиб олиб бориш;

д) Маҳсулотларни йиғиш, ортиш ва ташишдаги тадбирларни такомиллаштириш.

6. Чорва молларининг таркиби сифатини ва уларнинг озуқа базасини яхшилаш. Чорвачиликни интенсивлаштиришнинг муҳим омили пода ҳаракати ва сифатини яхшилаш ҳисобланади. Бунга юқори маҳсулдор моллар наслларини яратиш билан боғлиқ тадбирлар киради. Чорвачиликни ривожланишида унинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш муҳим бўлиб, озуқа таркиби, қўлами ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар;

7. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш. Фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви тинимсиз юксала боради. Шу билан бирга иқтисодий асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамлари, уларни меҳнатга мувофиқ ихтисослашувига, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини кўтаришга, фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этилишига замин яратилиб, натижада маҳсулот етиштиришни самарадорлигини оширишга эришилади;

8. Мутахасисларнинг малакасини ошириш. Қишлоқ хўжалигига фан ютуқларни тадбиқ этишда кадрларни мутахасислик савиясини ва техник тайёргарлик даражасини оширмай туриб эришиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида мутахасисларни малакасини ошириш биринчидан, мутахассисларга мураккаб ва илгари амалга ошира олмаган ишларни бажариш учун уларни малакасини ошириш ва қўшимча касбларни эгаллашига замин яратиш, иккинчидан нисбатан юқори сифатга эга бўлган маҳсулот олиш, учинчидан маълум бир вақт оралиғи давомида аввалдагидан кўпроқ маҳсулот кўламини етиштириш ёки хизматлар ҳажмини бажаришга имкон яратиш;

9. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш суръатларини ошириш ва унинг самарадорлигини кўтаришда фан ютуқлари натижаларини тадбиқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника соҳаларидаги ютуқлар ишлаб чиқариш кучларини янада юксалтирувчи муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш ресурслари қаторида ишлаб чиқариш жараёнларида иштироқ этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда амалиётда мавжуд бўлган илғор тажрибалар натижасини таҳлил қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилиниши катта аҳамият касб этиб, маҳсулот кўламини кўпайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

3.2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартиби.

Фермер хўжалигини интенсив ривожлантириш масалаларини ўрганишда интенсивлик ва интенсивлаштириш даражаси, интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги тушунчаларини бир-бирдан ажрата билиш лозим.

Интенсивлик - бу қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини маълум вақт ичида ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини акс эттиради.

Интенсивлаштириш даражаси - қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини ҳолисона ўсиш суръати даражасини ўзида акс эттиради.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги - экин майдони бирлиги ҳамда чорва моли боши ҳисобига ўсишни ўзида акс эттиради.

Фермер хўжалигини интенсив ривожлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ёрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларни бир-бирлари билан қанчалик

боғланганлиги ҳамда айрим тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот етштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Фермер хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1. Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади;

2. Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган минерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унумдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;

3. Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаётганлигини кўрсатади;

4. Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

Чорвачиликнинг интенсив ривожланганлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган қиймат кўринишдаги жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига қанча кўп ишлаб чиқариш воситаларига ва бевосита меҳнат харажатлари тўғри келса, қоидага мувофиқ ундан олиннадиган маҳсулот миқдори ҳам шунча юқори бўлади;

2. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган озуқа. Чорва молларини илмий рацион асосида озиклантириш уларнинг маҳсулдорлигини ортишига олиб келади;

3. Чорвачиликни юритиш маданиятини кўтариш: махсус қулайликларга эга бўлган чорва биноларини барпо этиш, иш жараёнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш, санитария ва гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқариш;

4. Чорвачиликда наслчилик билан боғлиқ ишларни яхшилаш. Чорва молларининг насли қанча юқори бўлса, ундан олинган маҳсулот миқдори ҳам шунча бўлади;

5. Мутахассисларнинг малакасини ошириш, у меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этади.

Фермер хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот етштирилганлигини кўрсатади.

Фермер хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари). Бу кўрсаткич куйидаги ифода ёрдамида аниқланади;

$$Ид = \frac{Иф+Ис}{Е}$$

бунда: Ид- интенсивлик даражаси,

Иф- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,

Ис- жорий ишлаб чиқариш сарфи,

Е- ер майдони

Интенсивлик даражаси кўрсаткичи қишлоқ хўжалигининг қай даражада интенсив ривожланганлигини ўзида акс эттиради;

2. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига қанча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради;

3. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади;

4. бир гектор йер ҳисобига тоғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ар гектор йер ваар бир ишло хўжалиги айвонларидан олинган масулот учун бевосита сарфланган аражатлар мидорини о`зида ифода етади;

5. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаётган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек куйидаги кўрсаткичлар билан ҳам характерланиши мумкин:

- бир бирлик меҳнат харажатлари ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад) ҳажми:

$$С_{и} = \frac{ЯМ}{МХар} \quad \frac{ЯД}{ёки \quad МХар} \quad \frac{СД}{ёки \quad МХар}$$

бу ерда: МХар - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари, киши/соат;

- бир сўмлик асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад):

$$C_{и} = ЯМ / АсФ + АйФ \quad ёки \quad ЯД / АсФ + АйФ \quad ёки \quad Сд / АсФ + АйФ$$

бу ерда АсФ - асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати, минг сўм;
АйФ - айланма фондлар қиймати, минг сўм.

Шундай қилиб, фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

Фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, агар шу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хўжалик ҳар бир бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:

- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот

$$C_{и} = \frac{ЯМ}{ЕМ}$$

Си- интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;

ЯМ-ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

ЕМ-ер майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек бир хил шароитда ишлайдиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча маҳсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган ялпи даромад:

$$C_{и} = \frac{ЯД}{ЕМ}$$

бу ерда ЯД - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм

Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, қўшимча маблағлардан оқилона фойдаланишни акс эттиради.

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф даромад ёки фойда:

$$C_{и} = \frac{СД}{ЕМ} \quad \text{ёки} \quad \frac{Ф}{ЕМ}$$

бу ерда СД- соф даромад, сўм:

Ф- фойда, сўм

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад қўшимча қўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг ҳажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш қўшимча маблағларнинг юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

3.3. Қашқадарё вилояти Косон тумани “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.

Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалиги Косон туманида жойлашган бўлиб, Косон туман ҳокимлигининг 2003 йил 13 мартдаги № 617/3 қарорига асосан, Гувалак қишлоғидан “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигига -29,3 гектар ер ижарага олинган ва 2008 йилга қадар ушбу фермер хўжалигининг шартномавий режалари ошиғи билан бажариб келинган.

Фермер хўжалиги бошлиғининг туман ҳокимлигига заҳира ер ҳисобидан туманда фаолият кўрсатиб келаётган “Файзиев Абдусамад -Г” фермер хўжалиги қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризасига ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш комиссиясининг 2008 йил 5 ноябрдаги хулосасига, Ўзбекистон

Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 104-моддасига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига ва Косон тумани ҳокимининг 2008 йил 10 ноябрдаги № 3079/11-сонли қарорига (фермер хўжаликларини йириклаштириш тўғрисидаги) асосан “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигига 600, 701, 565, 634, 632, 641, 703- контурлардан жами 88,9 гектар ер ижарага берилди. Ушбу ижарага берилган ерлар таркибида 565-контурда жойлашган “Бозоров Жасур-Г” фермер хўжалигининг захирага ажратилган ер майдони ҳам “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигига қўшиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги “Фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3287-сонли фармойиши ҳамда 2009 йил 6 ноябрдаги Х-405/11-сонли Қашқадарё вилоят ҳокими қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссиясининг 2009 йил 12 декабрдаги № 3-сонли хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 104-моддасига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан менинг туман ҳокимлигига ер майдонларини мақбуллаштириш тўғрисидаги аризамга ҳамда Косон тумани ҳокимининг 2009 йил 14 декабрдаги № 4872/12-сонли қарорига (фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш тўғрисидаги) асосан “Файзиев Абдусамад-Г” пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига 1258, 1256, 1257, 1356, 1353, 1349, 1261, 1351, 1354, 1262- контурлардан жами 85,7 гектар ер майдони ажратилди. Ушбу жараёнда “Бозоров Жасур-Г” фермер хўжалигига тегишли бўлган 565-контурда жойлашган 16,5 гектар, шундан 15 гектар суғориладиган ер, 1 гектар мелиоратив ҳолати ёмон ер, 0,5 гектар ер сув ости ерлари эгаллаган майдон “Рахматов Нуркул-Г” фермер хўжалигига ўтганлиги сабабли “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалиги ҳисобидан чиқарилган. Ушбу қарорда туман ҳокимининг 2008 йил 10 ноябрдаги № 3079/11-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигига жами ажратилган ер майдони 85,7 гектарни ташкил этмоқда..

“Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалиги асосан пахта-ғаллачиликка ихтисослашган.

Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигининг структурасида асосан қуйидагиларга эътибор қаратилади.

“Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, фермер хўжалиги – танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигининг мақсади - товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондиришдир.

Фермер хўжалигининг вазифалари - ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш; тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш; мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек хизматлар кўрсатиш; ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишдан иборатдир.

Фермер хўжалигининг фаолиятига - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек бозорларда, шу жумладан ўз савдо шаҳобчалари орқали сотиш; тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш; юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш; фаолиятнинг қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турларни амалга ошириш киради.

Фермер хўжаликларининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилган: фермер хўжаликлари зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар негизида барпо этилади; фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади; ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатга, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади; фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади; етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларнинг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг шаклларида бири сифатида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик,

ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, буни қуйидаги чизмада яққолроқ кўриш мумкин.

Фермер хўжалигини юритишдан кўзда тутилган мақсад, фермер манфаати томонидан туриб ёндошсак ички истеъмол ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, шунингдек бошқа кўп қиррали фаолияти орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Фермер хўжалигининг асосий вазифаси кишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат.

Фермер хўжалигининг хусусиятлари

.	Ижтимоий-психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошланғич бўғини - оила ва унга хос бўлган ахлоқий-тарбиявий кадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
.	Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан	Юридик шахс мақомига (ўз баланси, ҳисоб рақами, муҳри ва бошқ.) эга бўлиши шарт
.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин
.	Ишлаб чиқариш йўналиши жиҳатидан	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йўналтирилган товар хўжалиги
.	Мулкӣ муносабатлар жиҳатидан	■ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; ■ ер майдони узоқ муддатли ижарага (энг камида 10 йилдан узоғи билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш мумкин
.	Хўжалик юритиш учун ажратиладиган	Хўжалик юритиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажмининг қуйи чегараси: - ғалла ва пахта етиштиришга

ер ҳажми жиҳатидан	майдони	ихтисослашганда камида 10 гектар; - боғдорчилик, узумчилик ва сабзавот- полизчиликда камида 1 гектар; - чорвачиликда камида шартли 30 бош чорва моли бўлган тақдирда ҳар бир шартли бош мол учун вилоятлар ва ҳудудларга қараб 0,3 – 0,45 гектардан (лалми ерларда 2 гектар).
--------------------------	---------	---

Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида ўзига хос бўлган маълум бир тамойилларга таянади:

1) Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади, яъни, фермер хўжалиги аъзолари ўз хоҳишлари, манфаатларива имкониятларидан келиб чиқиб хўжаликни ташиқил этадилар. Улар ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш ва ўзлаштириш, бошқа хўжаликлар ва давлат органлари билан муносабатларни ҳам мустақил равишда амалга оширадилар. Қисқача қилиб айтганда фермерлар тўлиқ танлов ва тадбиркорлик эркинлигига таянадилар.

2) Фермер хўжалигида мулк эгаллиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга. Фермер хўжалигидаги мол-мулк шу хўжалик аъзоларининг хусусий мулки бўлганлиги туфайли, улар бу мулкни яхши сақланиши ва кўпайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса фермерларда мулкдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Ер майдонининг 50 йилгача муддат билан ижарага, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш билан берилиши эса ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тупроқ таркиби ва ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат яратади.

3) Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда ўз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнаткаш, юқори фойда олишни кўзлаб ўз мол-мулкни таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга бўлган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.

4) Фермер хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Аграр ишлаб чиқаришнинг доимий равишда жонли организмлар билан боғлиқ ҳолда юритилиши, бу соҳада ишлаб чиқаришга ҳақиқий жавобгарлик ҳисси билан ёндашувчи, унинг натижаларидан бевосита манфаатдор шахслар меҳнат қилиши лозимлигини кўрастади. Фермер фақат унинг ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга

йўналтирилган эркин, ижодий меҳнатдагина ўзининг қобилиятларива маҳоратини тўлалигича намоён эта олади.

5) Фермер хўжалигини асосини жамиятининг бошланғич бўғини-оила ташкил этади. Оилавий хўжаликда ўзгача ижтимоий ва маънавий муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан қўшилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакилларининг бир-бирига бўлган ишончию қорилигисабабли, ҳар бир киши умумий оила фаровонлигийўлида виждонан ва сифатли меҳнат қилади, меҳнат ва унинг натижаларини кадрлашга ўрганади, ўзаро ёрдам ва шахсий жавобгарлик хислатларига мослашади.

Фермер хўжалиги ўзига хос маънавий ва ахлоқий кадриятлар давомчиси ҳамдир. Фермернинг оилавий турмушида ўзияшаётган ердаги маҳаллий аҳолининг урф - одатлари, маънавий кадриятлари бевосита ўз ифодасини топади. Хўжалик юритишнинг бу шакли ўзига хос меҳнат ва тарбия мактаби ҳам бўлиб, бунда минглаб йиллардан бери аجدодларимиз томонидан тўпланган меҳнат тажрибаларива кўникмалари, ерга ва табиатга муҳаббат ҳисси ҳамда энг яхши миллий анъаналар мустаҳкамланиб авлоддан-авлодга ўтказиб борилади.

6) Фермер хўжалиги қисман бозорга йўналтирилган майда товар хўжалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади. Бундай хўжаликлар бозор ҳолатидаги озгина ўзгаришни ҳам тезда илғаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Фермернинг маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан ўрнатилишитуфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослашдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолиниزارур маҳсулотлар билан ўз вақтида, кераклимикдорда ва сифатда таъминлаш имконинияратса, иккинчи томондан бозорлар мўл-кўлчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб бўлади.

7) Фермер хўжалиги республикамиз қишлоқ хўжалигида эндигина шаклланиб келаётган тадбиркорлик шакллари билан бир сифатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи кучли рағбатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш орқали ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш мўлжалланган.

8) Ҳар қандай иқтисодий системада ишлаб чиқариш самадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири-бу турли мулк шакллари асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигива улар ўртасида вужудга келадиган соғлом рақобатдир. Ривожланган хорижий мамлакатлар

тажрибасишуниқўрсатадики, соғлом рақобат курашивужудга келишиучун жамиятда мулк шакллариининг хилма-хиллигинитаъминлаш зарур.

Фермер хўжаликлари аграр соҳада янги уклад сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгалигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчитомондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган корхоналар билан маълум даражада рақобат кураши муҳитини яратишга йўл очади.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бугунги кунда фермерликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

2013 йилда Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан “Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши” ташкил этилди. Бу фермерликни ривожлантириш учун қўйилган янги бир қадам бўлди.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожидида аграр тармоқнинг улуши катта бўлиб, тармоқ ривожининг асосий қисмини фермер хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этмоқда. Бугунги кунда стратегик аҳамиятгشا эга бўлган пахта хом ашёсининг 99,9 фоизи, ғалланинг 90 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл станциясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқин-узоқлиги эътиборга олинади. Ер-сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, тураржой, маданий-маиший бинолар билан таъминланганлиги, уларнинг газлаштирилганлик ва телефонллаштирилганлик даражаси ўрганилади. Чунки айти шу омиллар кўп ва арзон қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштириш имконини беради; шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, ширкат ва фермер хўжаликларида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда юк ташиш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Улов воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказиб бериш ва сотиш қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилиши натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Кейинги йилларда, соҳада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига меҳнатни турлича ташкил этиш, иш вақтини беҳуда сарфламаслик, режалаштиришни такомиллаштириш, малака ошириш каби, умуман, меҳнат ва ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилувчи кўплаб самарали шакл ва услублар юзага келди. Меҳнатни самарали ташкил қилишга, табиийки, техника ва технологик жараёнларни такомиллаштирмасдан

туриб эриша олмаймиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга фақат меҳнатни ташкил қилишни илмий ва амалий натижалар асосида такомиллаштириш эвазига эришамиз, дейдиган олим ва амалиётчилар фикрига тўла қўшиламиз.

Маълумки, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик даври бошқарув тизими бир хўжаликда меҳнатни ташкил қилишнинг турли шаклларини жорий қилишни тақозо этди. Корхоналар учун меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари, аввало, уларнинг ихтисослашиши, марказлашиши, ривожланиш йўналишлари, аҳоли пунктларининг жойлашиши, ҳудуднинг хусусиятлари ва техника билан қуролланганлиги, қисқаси, механизациялаш даражаси бўйича танланади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш шаклларини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ.

Республикамизда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва АСМнинг унга ўтиши соҳада ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни тақозо этди. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ўзини оқламади, Амалдаги ишлаб чиқариш шакллари меҳнаткашларни ер ва ишлаб чиқаришдан четлаштирган эди. Негаки, шўро даврида соҳада иқтисодий муносабатлар уларнинг фаол, тадбиркорона фаолиятларини рағбатлантира олмади

Жамиятда қишлоқ хўжалиги объект сифатида қатор хусусиятларга эга. Хусусан, қишлоқ хўжалиги меҳнатида ўзига хос ишлаб чиқариш воситаси сифатида ердан фойдаланилади, меҳнат сифатига алоҳида муносабат талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигида ишчи иш тажрибасига эга бўлиши ўта муҳимдир. Аграр секторнинг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унинг ижтимоий таркиби ўзига хос. Бу ерда бозор иқтисодиёти шароитида турли иқтисодий муносабатларга хос шакллардаги хўжаликлар фаолият юритади. Бундай шароитда, яъни ишлаб чиқариш ва бошқарув шакллари ўртасидаги соғлом муҳит хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги хўжалик юритиш амалиётида хўжалик юритишнинг янги шакллари яъни ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари юзага келади. Иқтисодий ислохотлар натижасида мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши жамиятда кўп укладли иқтисодиётни шаклланишига олиб келди.

Президент И.А.Каримов республикамизни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари зарурлигини, чунончи, қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ тармоқларни устувор ривожлантириш, ҳозирги босқичда ерни сотишга йўл қўймасдан, давлат мулкчилигини сақлаш кераклигини таъкидлаганлар.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига ерларнинг ижарага берилиши, ҳосилнинг деҳқон ихтиёрида бўлиши ва уни хоҳлаган жойда сотиш эркинлиги, бўш ва ташландиқ ерларни ўзлаштирганлардан солиқ олмаслик ёки уларга кам солиқ солиш, фойсиз кредит бериш, маблағ билан таъминлаш каби эътиборли сиёсат ишбилармон деҳқонлар учун ташландиқ ерлар, тоғ бағри, адирлар ва жарликлардаги бўш ерларни ўзлаштириш имконини яратди.

Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторига кириши учун ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инфратузилмасини замонавий саноат асосига қуриб, қайта ишлаш саноатини шакллантириши лозим. Қишлоқда саноатлашган меҳнат кўринишига ўтиб, фақат деҳқончилик билан боғланиб қолмаслик, қишлоқ ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим шarti эканлиги англаб етилмоқда, меҳнат соҳаларига, қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал этишга нисбатан янгича қарашлар шакллана бошлади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасининг юқори эмаслиги ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ жойларида эса бугунги бозор муносабатлари янги хўжалик юритишга ўтаётганлиги бир томондан, ишчи ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда, иккинчидан (мулк шаклининг ўзгариши, жумладан, ширкат хўжалигига айланиши, санацияга тушиши, банкротга учраши) эса, янги меҳнат тармоқлари ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш энг долзарб вазифага айланмоқда.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун сифатли ва серҳосил эртапишар уруғ навларини яратиш асосида тармоқ самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г” фермер хўжалигининг умумий ер майдони тўғрисида маълумот

Т/Р	Ер майдони таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши %
			2011	2012	2013	
1	Умумий ер майдони	Га	88.9	88.9	88.9	100.0
2	тугзорлар	Га	1.5	1.5	1.5	100.0

3	Суғориш шаҳобчалари ва йўллар	Га	1	1	1	100.0
4	Қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерлар	Га	2.5	2.5	2.5	100.0
5	Яйловлар ва бўз ерлар	Га	18	18	18	100.0
6	Екин майдони	Га	65.9	65.9	65.9	100.0

3.3.1-жадвал

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, фермер хўжалигида 2011-йилда умумий ер майдони 88.9 гектар майдонни ташкил етган бўлса, 2012-2013 йилларда ҳам ўзгармаган. Фермер хўжалиги мақбуллаштирилгандан сўнг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилган ҳолда ўз фаолиятини давом еттирмоқда 2013-йилда жами екин екиладиган ер майдони 65.9 гектарни ташкил қилган ўтган йиллар давомида ҳам ўзгармаганлигини кўрамиз. Фермер хўжалигида суғориладиган ерлар умумий ер майдонига нисбатан 74.1 % ни ташкил етади. Фермер хўжалигида ердан фойдаланиш коеффисиенти ҳа 0.74ни ташкил етади. Ҳозирги куннинг энг муҳим фазифаларидан бири фермер хўжаликларида ернинг унумдорлигини доимий равишда ошириб боришдир. Фермер хўжаликларида ердан фойдаланишни таҳлил қилишнинг асосий мақсади ва вазифалари қуйдагилардан иборат:

- – ер фонди таркибини янада яхшилаш имкониятларини аниқлаш;
- екин майдонларини энг қулай таркибини ишлаб чиқиш;
- барча екинларнинг ҳосилдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини имкон борича ошириш;
- ернинг унумдорлигини янада кўтариш;
- бўш ётган ерларни екин майдонларига айлантириш ҳар бир гектар ердан самаралироқ фойдаланиш кабилардан иборат.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида тобора унумдор бўлиб боришига еришиш керак. Акс ҳолда ҳосилдорликни, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ерларнинг ҳар бир гектаридан самарали фойдаланиш вазифаларини ҳал етиб бўлмайди.

Ердан самарали фойдаланишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири екин майдонлари таркибини тўғри белгилаш ишлаб чиқаришнинг

йўналишини билиб олишга, фермер хўжалигининг ихтисослашишининг яхшилашга, тармоқларнинг даромадини кўтаришга ва хўжаликда қандай техникани кўплаб қўллаш кераклигини аниқлашга ёрдам беради. Екин майдонлари таркиби деганда умумий екин майдонига нисбатан екиладиган ва фоиз билан ифодаланадиган екинлар салмоғи тушунилади. Екин майдонлари таркибини ўрганиш натижасида екинларнинг турлари бўйича улардан олинадиган ялпи ҳосилнинг миқдори аниқланад. Тўғри бегиланган екин майдони давлатга маҳсулот топшириш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши ва хўжалик иқтисодиётининг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г” фермер хўжалигида екин майдонининг екин турлари бўйича тақсимланиши

3.3.2-жадвал

Ер майдони таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши %
		2011	2012	2013	
Екин майдони	Га	65.9	65.9	65.9	100
Пахта	Га	48.0	46.0	44.0	91.6
Ғалла	Га	17.9	19.9	21.9	122.34

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида пахта екин майдони 2011-йилда 48 гектарни ташкил етган бўлса, 2012-йилда 46 гектарни ташкил етган, 2013-йилда бу кўрсаткич 44 гектарни ташкил етган. 2013-йилда 2011-йилга нисбатан пахта екин майдонни 2 гектарга камайган. Дон екин майдони 2011-йилда 17.9 гектарни ташкил етган бўлса, 2012-йилда 19.9 гектарни ташкил етган, 2013-йилда бу кўрсаткич 21.9 гектарни ташкил етган, 2013-йилда 2011-йилга нисбатан дон екин майдони 4.0 гектарга кўпайган.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г” фермер хўжалигида ишловчилар тўғрисида маълумот.

3.3.3-жадвал

Ер майдони таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши %
		2011	2012	2013	
Умумий ишловчилар	Га	10	11	12	120.0

Доимий ишловчилар	Га	5	7	6	120.0
Мавсумий ишловчилар	Га	5	4	6	120.0

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, „Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигида 2013-йилда умумий ишловчилар сони 12 нафарни ташкил етган. Шундан доимий ишловчилар сони 6 нафарни ташкил қилади. Фермер хўжалигида ишловчилар сони таққосланганда 20 % га ошганини кўрамиз.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г” фермер хўжалигида екин майдонлари ҳосилдорлиги тўғрисида маълумот

3.3.4-жадвал

Ермайдони таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши%
		2011	2012	2013	
Пахта	с/га	35.0	37.0	39.0	111.4
Ғалла	с/га	37.0	35.0	40.0	108.4

Юқоридаги жадвалда фермер хўжалигида екинларнинг ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Пахтанинг ҳосилдорлиги 2011-йилда 35.0 сентнерни ва 2012-йилда 37.0 сентнерни ташкил етган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 39.0 сентнерни ташкил етган 2013-йилда 2011-йилга нисбатан пахтанинг ҳосилдорлиги 4.0 сентнерга ёки 11.4 фоизга ошган. Ғалланинг ҳосилдорлиги 2011-йилда 37.0 сентнерни ташкил қилган 2012-йилда еса 35.0 сентнерни ташкил қилган. 2013-йилда бу кўрсаткич 40.0 сентнерни ташкил қилган. 2013-йилда 2011-йилга нисбатан ғалланинг ҳосилдорлиги 3.0 сентнерга ёки 8.1 % га ошган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, „Файзиев Абдусамад-г“ фермер хўжалигида 2013-йилда самарадорлик кўрсаткичларининг юқори бўлишига замин яратилган.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г” фермер хўжалигида етиштирилган ялпи ҳосил тўғрисидаги маълумот

3.3.5-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши %
		2011	2012	2013	

Пахта	Тонна	178	179	171.6	96.4
Ғалла	Тонна	63	80	87.6	139.0

Ушбу жадвалда косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г“ фермер хўжалигида етиштирилган ялпи ҳосил тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Фермер хўжалигида 2011-йилда 178 тонна пахта ва 63 тонна ғалла етиштирилган. Ғалла етиштириш еса 22 тоннага кўпайган. Буларни фоиз кўринишида оладиган бўлсак, пахта етиштириш 3.3 фоизга камайган, ғалла етиштириш еса 39.9 фоизга кўпайган.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г“ фермер хўжалигида бир сентнер маҳсулот таннархи тўғрисида маълумот

3.3.6-жадвал

Ермайдони таркиби	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши%
		2011	2012	2013	
Пахта	Тонна/сўм	442601	688673	798566	180.4
Ғалла	Тонна/сўм	151123	152429	153664	101.6

Юқорида келтирилган жадвалда косон туманидаги „Файзиев Абдусамад –г“ фермер хўжалигида етиштирилган бир сентнер маҳсулот таннархи тўғрисида маълумот келтирилган. Фермер хўжалигида 2013-йилда бир тонна пахтанинг таннархи 798566 сўмни ташкил қилган, ғалланинг таннархи еса, 153664 сўмни ташкил қилган. Пахтанинг таннархи 80.4 фоизга, ғалланинг таннархи еса, 1.6 %га ошган. Таннархнинг ошиши ресурслар нархининг ошганлиги билан боғлиқдир. Фермер хўжалигида ресурс тежамкорлигига амал қилиш тавсия қилинади. Чунки харажатлаернинг камайиши орқали таннархни пасайтиришга ва иқтисодий самарадорликни оширишга еришилади.

Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-г“ фермер хўжалигида бир сентнер маҳсулот сотиш баҳоси тўғрисида маълумот.

3.3.7-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши%
		2011	2012	2013	
Пахта	Тонна/сўм	880758	901468	985142	111.8
Ғалла	Тонна/сўм	164951	256323	382642	231.9

2011-йилда пахтанинг сотиш баҳоси 880758 сўмни ташкил қилган, 2013-йилда еса 985142 сўмга тенг бўлган 2013-йилда 2011-йилга нисбатан 1.8 % га ошган. Ғалла бўйича еса 2011-йилда бир тонна маҳсулотнинг сотиш баҳоси 164951 сўмни, 2012-йилда 256323 сўмни ва 2013-йилда 382642 сўмни тшкил қилган.

3.4. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, уни техник ва технологик янгилаш тармоқни интенсив ривожлантиришга таъсири

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб ниқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Лекин, турли . социал-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

- Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;
- Ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;
- Иқтисодиётнинг таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;
- Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг фаоллигини ошириш;
- Мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини-, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

Бу санаб кўрсатилган омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун таъсир қиладиган асосий ва бутун иқтисодиётнинг барча соҳалари учун умумий омиллардир. Булардан ташқари, аниқ олинган хўжаликларда, тармоқларда ва ҳудудларда самарадорликни оширишнинг

шу жойнинг шароитлари хусусиятидан келиб чиқадиган қанчадан-қанча омиллари борки, уларни топиб ишга солиш ва фойдаланиш самарадорликни кескин оширишнинг кенг имкониятлари ҳисобланади. Биз бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамма омиллари тўғрисида батафсил тўхтала олмаймиз. Лекин унинг муҳим ва ҳозирги кунда республикамиз учун долзарб омилларидап бири бўлган илмий техника тараққиёти тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Фан-техника тараққиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш қуроллари, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда фан-техника тез суръатлар билан тараққий қилмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирмунча афзалликларга эгадир.

Ҳозирга даврдаги фан-техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илғор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради.

Ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг техник базасини мустаҳкамлаш электроника, радиоэлектроника, телемеханика, атом энергияси, химия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқлари билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас, фаннинг эришган ютуқлари ишлаб чиқаришнинг тараққиёти учун ва унинг иқтисодий самарадорлиги учун чексиз имкониятлар очиб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати фан-техника тараққиётига катта эътибор бериб, уни жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдор самарадорликни таъминловчи янги туркумларни, принципнол жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини қўймоқда. Фан тараққиётининг натижаси ва унинг ишлаб чиқариш билан яқинлашишининг муҳим белгиси такомиллашган, чидамли унумли меҳнат қуроллари ва предметларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги унумли меҳнат қуроллари ва сифатли меҳнат предметлари қанча кўп кириб келса жонли меҳнат шунча кўп меҳнат воситаларини ҳаракатга келтиради ва кўп истеъмол қиймати яратади. Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан-техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетикаси, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва буларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларига жалб қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шаклларини фарқламоқ лозим. Фан-техника тараққиётининг эволюцион шаклда ривожлашлвд деганда, унинг мавжуд

технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш **асосида ривожланиши тушунилади.**

Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, техникагошг энг сўнгги авлодларини қўллаш, принципиал янга технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиетининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўзининг асарларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари билан қайта қуроллантириш лозимлигини таъкидламоқда. Бунинг учун аввалом бор техника тараққиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан қуроллаштирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқ лозимдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараёни нафақат бир гектар ерга ёки бир бош молга кўшимча маблағнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, унинг йўналишига, суръатига ва самарадорлигига таъсир кўрсатадиган кўп омилларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда муҳим омил фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўлиб, у ўз таркибига нафақат машина техникасидаги тараққиётни, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш технологиясидаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларидан фойдаланишни ҳам киритади.

Тупроққа ишлов беришни яхшилаш, кўшимча органик ва минерал ўғитлар солиш, мелиоратив ишларни ўтказиш, барча комплекс агротехник тадбирларни бажариш тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари қуйидагилар:

- а) Фермер хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш;
- б) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида инвестиция ва капитал қўйилмаларнинг ўсиши;
- в) Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини мустаҳкамлаш.

г) Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини ошириш;

д) Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни ривожлантириш (минерал ўғитлар солиш ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш)

е) Қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш (суғориш, захини қочириш, бошқа ишларни ривожлантириш)

ж) Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

Интенсивлаштиришни изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим шарти қишлоқ хўжалигига ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўсишидир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан саноат асосига ўтказишга имкон берувчи кучнинг иқтисодий потенциалидан фойдаланилади.

КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МАВЖУД ТЕХНИКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши	
			2011	2012	2013	(+,-)	%
1	Занжирли ҳайдов трактори Т-4А	дона	1	1	1	-	100
2	Пахта екиш сеялкаси СТХ-4	дона	1	1	1	-	100
3	Трактор омочлари ПЯ-3- 35	дона	2	2	2	-	100
4	Борона зиг-заг	дона	7	9	12	+6	171.4
5	Култиватор	дона	1	1	1	-	100
6	Чизел	дона	1	1	1	-	100
7	Сув ташиш мосламаси	дона	1	1	1	-	100
8	Пучта очгич	дона	1	1	1	-	100

9	Копател	дона	1	1	1	-	100
10	Трактор МТЗ-80	дона	1	1	1	-	100
11	Култиватор ТТЗ-80	дона	1	1	1	-	100
12	Притсеп	дона	2	2	2	-	100

Юқоридаги жадвалда фермер хўжалигининг мавжуд техникалар тўғрисида маълумотлар келтирган хўжаликнинг занжирли трактори ва икки дона юк ташиш претсипининг мавжудлиги фермер хўжалигида маълум даражада харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари қосон туманидаги “файзиев абдусамад-г” фермер хўжалигининг бир нафар аъзоси бир вақтнинг ўзида тракторчилик вазифасини ҳам бажаради.

Қашқадарё вилоят туманларида 2013-йилда бошоқли дон етиштиришга кетган сарф харажатлар якуний натижалар тўғрисида маълумот (жами майдонда).

№	Туманлар сони	Жами екин майдони га.	Ҳосилдор лик с/га	Ялпи ҳосил тонна	Жами хараж ат млн. Сўм	Жами даромад млн. сўм	Фойда (+) Зарар (-)	Рентабелл ик даражаси %	1 гектор майдонга, минг сўм		1 тонна маҳсулот, минг сўм	
									Жами харажат	Жами даромад	Жами хаража т	Жами дарома д
	А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Гъузор	13000	34.8	45183	19009	24048	5040	26.5	1462	1850	421	532
2	Дехқонобод	8000	3.6	2878	2488	2520	32	1.3	311	315	864	876
3	Қарши	14700	36.6	53729	25191	31426	6235	24.8	1714	2138	469	585
4	Косон	19443	43.6	84702	33168	43520	10352	31.2	1706	2238	392	514
5	Қамаши	18500	44.9	83147	25886	33908	8022	31.0	1399	1833	311	408
6	Китоб	7500	32.8	24572	10327	13649	3322	32.2	1377	1820	420	555
7	Миришкор	22706	45.2	102552	39135	55891	16756	42.8	1724	2462	382	545
8	Муборак	9527	38.0	36243	16464	20280	3816	23.2	1728	2129	454	560
9	Нишюн	19299	54.6	105321	36036	51269	15233	42.3	1867	2657	342	487
10	Касби	15730	52.1	81959	29892	40181	10289	34.4	1900	2554	365	490
11	Чироқчи	42330	15.1	63829	38356	40569	2213	5.8	906	958	601	636
12	Шахрисабз	8982	42.0	37682	14732	21310	6578	44.6	1640	2373	391	566
13	Яккабоғъ	12569	39.6	49777	18085	26470	8385	46.4	1439	2106	363	532
	Жами	212286	36.3	771574	308768	405041	96273	31.2	1454	1908	400	525

Юқоридаги 3.4.1-жадвалда Қашқадарё вилояти бўйича 2013-йилда бошоқли дон етиштиришга кетган сарф харажатлар тўғрисидаги якуний натижалар тўғрисида маълумот келтирилган.

Вилоят бўйича бир гектар майдонга 1454 минг сўм миқдорида харажат сарфланган. Даромад еса 1 гектардан 1908 минг сўм миқдорида олинган. Жами екин майдони вилоят бўйича 212286 гектарни ташкил қилган бўлиб, туманлардан чироқчи туманида енг кўп майдонга яъни 42330 гектарга екилган.

Ҳосилдорлик нишон туманида 54.6 сентнерга, касби туманида 52.1 сентнерга, миришкор туманида еса 45.2 сентнерни ташкил қилган. Яъни булар енг юқори ҳосилдорликка еришган ҳисобланади.

2013-йилда енг кам ҳосилдорлик 2013-йилда енг ҳосилдорлик Деҳқонобод туманида 15.1 с/га ташкил қилган. Ушбу туманларда лалми ерларга екилганлиги учун ҳам ҳосилдорлик паст бўлган. китоб туманида еса 32.8 сентнер гектарни ташкил қилган. Ҳосилдорлик қанчалик юқори бўлса, харажатлар камайишига еришилади.

КОСОН ТУМАНИДАГИ ПАХТА ҲОСИЛИ УЧУН ГЪЎЗА МАЙДОНЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ УЧУН МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАР

Йиллар	Жами пахта майдони	Азотли				Фосфорли				Калийли			
		режа	Амалда	Ўртача 1га/кг	Режанинг бажарилиши %	режа	амалда	Ўртача 1га/кг	Режанинг бажарилиши %	режа	амалда	Ўртача 1га/кг	Режанинг бажарилиши %
2011	24392	14859	11254	461.38	75.7	3569	3045	12.48	85.3	225	198	8.1	88.0
2012	25900	15397	12980	501	84.3	4246	2088	81	49	1165	1096	42.3	94.1
2013	22323	13814	13300	596	96	3004	2924	131	97	165	117	5	71
2013-йилда 2011-йилга нисбатан ўзгариши %	91.5	93.0	118.2	129.2	1.3 марта	84.2	96.0	1049.4	1.1 марта	73.3	59.1	61.3	0.8 марта

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ТАМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Йиллар	Битта инфратузилма объектига тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, гектор									
	ММТП	СИУ	ЁММ Сотиш шаҳобчалари	Минерал ўғит шаҳобчалари	Мини банклар	Қ/х маҳсулотларини сотиш ва тайёрлаш шаҳобчаси	Зооветернария хизмати ва зотли молларни сотиш шаҳобчаси	Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати	Транспорт хизмати кўрсатиш шаҳобчалари	Тара идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш шаҳобчаси
2006	7352.7	7352.7	7352.7	7352.7	7965.4	-	-	-	-	-
2007	5007.1	5192.5	5007.1	5007.1	6372.6	-	-	-	-	-
2008	3453.8	3776.6	3812.3	4540.4	4592.0	44900	13470	80820	-	-
2009	3313.3	35736.7	3678.8	4717.9	4719.9	17868.4	8338.6	35736.7	-	-
2010	3191.8	3806.3	3669.6	4642.6	4573.3	11348.5	8511.4	25369.9	87545.4	122563.6
2011	3589.7	4159.8	3822.6	5612.5	5087.6	13095.8	4562.4	20799.2	101024.7	141434.6
2012	3640.0	4193.5	3876.1	5691.2	5975.7	13529.9	2879.9	21090.8	119514.3	143417.2
2013	4143.5	5186.4	4121.1	6050.8	6300.8	14348.9	2943.6	21782.8	127066.3	245132.7
2013- йилда 2006- йилга нисбатан, %	56.3	70.5	56.0	82.3	79.1	-	-	-	-	-

**КОСОН ЮМАНИ МУҚОБИЛ МТП ЛАРДА АСОСИЙ ТУРДАГИ ТЕХНИКАЛАРНИНГ ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН ЙИЛЛАРИ БЎЙИЧА ГУРУҲЛАШ**

№	Техника турлари	Техникаларнинг йиллар бўйича тақсимланиши, %				Жами техникалар сони, дона
		1-5 йилгача	5-10 йилгача	10-20 йилгача	20 йилдан юқори	
1	Барча русумдаги тракторлар	6.8	3.6	33.7	55.9	468
2	Шу жумладан ҳайдов тракторлари	16.3	17.8	48.1	17.8	23
3	Чопиқ тракторлари	8.8	3.3	31.9	56	277
4	Транспорт тракторлари	3.6	1.7	33.7	61	168
5	Гъалла ўриш комбайни	0	28.6	65.1	6.3	8
6	Чигит екиш сеялкаси	0.6	0	47.5	51.9	89
7	култиваторлар	6.1	0.8	28.6	64.5	225

Юқоридаги 3.4.2-жадвалда Косон туманида 2011-2013-йилларда ғалла ҳосили учун ғалла майдонларини озиқлаштириш учун сарфланган минерал ўғитлар тўғрисида маълумот келтирилган.

Ғалла майдонларига асосан азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг режа ва амалдаги сарфи, ўртача бир гектарга сарфланган миқдори ва режанинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар берилган. Фосфорли ўғитлар еса 2013-йилда режага нисбатан 3 %га кам сарфланган, 2011-йилга нисбатан 1.1 марта кўп сарфланганлигини кўрамиз.

Бизга маълумки, беда екиш орқали ерда азотли ўғт тўплаш мумкин. Бу еса харажатларни камайтириш имконини беради. 3.3.4-жадвалда еса худди шу кўрсаткичлар ғўза майдонларини озиқлантириш учун берилган маълумотлардан иборат. Азотли ўғитлар 2013-йилда 2011-йилга нисбатан 1.3 марта кўп сарфланган. Биз кейинги 3.3.4-жадвалда Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Биз қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда барча имкониятлардан кенг фойдаланиш орқали еришишимиз мумкин. Юқоридаги 3.3.4-жадвалда Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг инфратузилмаси объектлари билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Жадвалда 2006-2013 йиллар йиллардаги кўрсаткичларни таҳлил қилишимиз мумкин. 2013-йилда вилоят бўйича 1 та муқобил машина трактор паркларига 4143.5 гектар ер майдони тўғри келган СИУ ларига еса 5186.4 гектар ер тўғри келади.

Мини банкларга 6300.8 гектар ер тўғри келади. Айниқса 2008-йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва тайёрлаш шахобчалари, зоветеринария хизмати ва чорва молларини сотиш шахобчалари, ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш ҳам Ривожланган.

Транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда тара идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш шахобчалари ташкил қилинди. Умуман олганда, вилоятда инфратузилма объектларининг ривожланиши учун чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги жадвалда Косон тумани муқобил машина трактор паркларида асосий турдаги техникаларнинг ишлаб чиқарилган йиллар бўйича гуруҳланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Туман бўйича тракторлар сони 468 тани ташкил қилган, шу жумладан, ҳайдов тракторлари 23 тага тенг бўлган . туман бўйича чопиқ тракторлари, транспорт тракторлари, ғалла ўриш комбайнлари, чигит

екиш селейкалари ва кутиватсиялар ишлаш муддатлари билан кўрсатилган

Қишлоқ хўжалагини интенсив ривожлантиришда мавжуд техникаларнинг иш даврини самарали ташкил қилиш орқали еришиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги бўлимда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ аҳоли турмуш шароитини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг интенсивлаштиришда тутган ўрни тўғрисида танишамиз.

3.5. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг интенсивлантиришда тутган ўрни

Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш корхоналарида ходимларнинг самарали меҳнатини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: "Барча ислохотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат".³

Асосий эътиборни одамларга қаратиш корхона манфаатларини камситиш деб тушунилмайди, чунки фақат одамларгина корхона муваффақиятини таъминлай оладилар. Бунинг учун улар барча нарсалар билан таъмин этилган бўлишлари лозим.

Бу тушунчалар меҳнат фаолиятига (шу жумладан, ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолиятига) маълум даражада тааллуқли бўлганлиги сабабли, бу ерда гап айнан меҳнат фаолиятини ташкил этиш ҳақида, аниқроғи, инсон ижодкорлигининг алоҳида тури бўлган ташкилотчилик фаолияти ҳақида, бу ижодкорлик натижаси, инсон фаолиятининг (шу жумладан, ташкилотчилик фаолиятларидаги) инновация, таъминот, ишлаб чиқариш, бошқариш, тижорат, хўжалик, иқтисодий, ижтимоий, ахборот тизимлари ва бошқа тизимлар ҳақида бориши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар асосида корхоналарни модернизациялаш ва технологик янгилаш, корхона ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириб унинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Бирок корхоналарни мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиб, замонавий технологияларни ҳаракатга келтирувчи куч, бу инсон булиб,

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида, -Т.:Ўзбекистон,1995, 119-б.

мехнатнинг унумдорлиги ва самарадорлигининг ортиши айнан инсоннинг меҳнатга булган муносабатига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам меҳнатнинг унумдорлик даражасининг усиши, ходимнинг малакаси ёки меҳнатнинг механизациялашганлик даражаси билан чекланиб қолмасдан, балки инсоннинг саломатлиги ахволи, унинг қайфияти, оиладаги, жамоадаги ва умуман жамиятдаги муносабатлар тизимига ҳам боғлиқдир.

Инсон уз ҳаёт фолляти давомида меҳнатда узини топиш, касб танлаш, ишга ёлланиш, ишдан бушаш, касбий ривожланиш, касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарлиги, меҳнатни баҳолаш ва тақдирлаш каби босқичларни босиб утади ва булар уз навбатида **ижтимоий меҳнат муносабатларининг предмети** сифатида намоён бўлади.

Хорижий мутахассислар ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда психологик ва психосоциологик усулларни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этишга катта аҳамият қаратмоқдалар, чунки кишиларни қайфиятини, меҳнат шароитларини яхшиламасдан туриб, самарали меҳнатни таъминлаб бўлмайди.

Америкалик муҳандис иқтисодчи Ф.Тейлор меҳнат интенсивлигини ошириш йули билан юқори натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди, бироқ вақт утиши билан Тейлорнинг «чекланган ва тор инженерлик» усуллари уз аҳамиятини йукотди.

XX асрнинг 70-йиллари охирида чет эллик назарийчилар «меҳнатни инсонийлаштириш» доктринасини олдинга сурдилар ва Э.Мэйо томонидан «инсоний муносабатлар» назарияси яратилди.

«Инсоний муносабатлар» назариясининг тарафдорлари ишчи-хизматчиларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишни, шахсни ҳурматлашни тарғиб қиладилар. Уларнинг фикрича, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш воситасидир. Ишчининг хис-туйғулари, унинг қайфияти, эътиқодлари, жисмоний ҳолати махсус тадқиқотлар объекти бўлиб, уни илмий амалий жиҳатдан урганиш, ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Г.Форд «агар ишлаб чиқаришда одамларнинг муносабатлари муаммосини ҳал қилишнинг уйдасидан чиқилса, яқин келажакда ишлаб чиқариш чикимларини камайитиришда ялпи ишлаб чиқаришни ривожлантириш йули билан эришилганидек силжишга эришиш мумкин бўлади» деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият қуриш барча ишлаб чиқариш ва хизмат қурсатиш қорхоналарида, шунингдек ижтимоий ҳаётда ҳам инсоний муносабатларни қарор топтиришни талаб этади.

Қадрларни ишга олишда меҳнат қелишуви ёки шартнома асосий ўрин эгаллайди. Бу иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги розилиқни

билдиради. Меҳнат шартномасида меҳнат вазифаси, иш ўрни, мажбуриятлар, квалификация, мутахассилиги, вазифанинг номи, иш ҳақи миқдори ва ишнинг бошланиши вақти кабилар келишиб олинади.

Меҳнатни бошқаришда кичик корхоналарнинг ниҳоятда қулайлиги, жамоа аъзолари бир-бирининг малака даражасидан яхши хабардорлиги, ишловчилар меҳнатидан корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириб боришда фойдаланиш айнаи муддао ҳисобланади. Ишловчига вазифа берилиши ва ўз навбатида, ундан тўлиқ бажарилган ишни қабул қилиш, шунга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда меҳнат жамоасини назорат қилиш, улар меҳнатининг унумдорлигини техника ёрдамида ошириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Шунингдек, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассисликлар юзага келади, эски мутахассисликларга эса улар – маънавий жиҳатдан ҳаётдан орқада қолганлиги туфайли талаб камайиб боради, замонавий техника, технология тараққиёти ишлаб чиқариш корхоналаридан ишловчиларни янги соҳаларни эгаллашга ҳар томонлама сафарбар этади.

Корхоналарни бошқариш ўзига хос муҳим хусусиятларга эга бўлиб, аслида ишлаб чиқаришга ташкилотчилик қобилияти бўлганларни, юқори меҳнат унумдорлиги асосида ишлашга сафарбар қила оладиганларни корхонада раҳбарлик лавозимига қўйиш яхши натижалар беради. Бу корхоналарда меҳнат жараёнини тўғри ташкил этиш, аввало, корхонанинг нормал фаолият кўрсатиши учун қанча миқдорда меҳнат сарфлаш талаб қилишини билиш керак. Бунинг учун у ёки бу ишни бажаришга ҳар бир ишчи сарфлайдиган меҳнат миқдорини аниқлаб олиш лозим. Бу ўз-ўзидан корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам, ишловчиларга меҳнат нормаларини белгилашга ҳам эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

Меҳнатнинг замонавий усуллари кўллаш, ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил этиб, элементлари бўйича тақсимлаш, технологик жараёнларни бажариш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун нормалар белгилаш, меҳнат шароити, иш жойларини таъминлаш, иш режими, дам олиш каби масалаларга эътибор кучайтириб борилган корхонада юқори меҳнат унумдорлигига эришилади.

Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан аграр соҳада ва агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида ҳўжалик юритишнинг турли шакллари пайдо бўлди, кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичига кирди. Мана шу ўзгаришлар мос равишда агросаноат мажмуи тармоқларини бошқаришда (айниқса, унинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ ҳўжалигида) давр талабига жавоб

берадиган бошқариш услублари, усуллари ва шаклларида кенгрок фойдаланишга объектив зарурат борлигини кўрсатмоқда. Бу жараёнда, айниқса, бошқариш усулларида (иқтисодий, ташкилий, ижтимоий-психологик) фойдаланишнинг оқилона бирикмасини топиш муҳим аҳамиятга эга.

Агросаноат мажмуини бошқаришнинг замонавий усулларида (тизимли ва вазиятли бошқарув) фойдаланиб, узоқни кўра билиш ва хавф-хатарнинг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқишга йўналтирилган бошқариш аҳамияти ошиб бормоқда. Моддий, молия ва меҳнат ресурсларида оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида бошқаришнинг барча босқичларида индектив режалаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул истиқболни аниқлаш, турли мақсадларга мўжалланган ҳар хил дастурларни ишлаб чиқиш, агросаноат мажмуи корхоналарининг маркетингга мўлжалланган фаолиятини аниқлашга ёрдам беради.

Хавф-хатарни чуқур таҳлил қилиш, бошқариш ходимлари масъулиятини ошириш ва унга мос равишда бошқариш объекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларга оид санкциялар ва чоралар мажмуини бошқаришнинг барча йўналишларида, хусусан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, инновация жараёнини бошқаришда давлат бошқарув идораларининг аралашуви ёки аралашмаслиги тўғрисида аниқ ва тўла маълумотга асосланган қарорга эга бўлмоқ лозим. Агросаноат мажмуини бошқаришнинг барча босқичларида маркетинг тизимини ташкил этиш, ахборот-маслаҳат хизмати бўлимлари фаолиятини жадаллаштириш зарур.

Бошқаришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бевосита кишилар меҳнатини ташкил этиш ва улар фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга оширишга йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривож топиши билан раҳбар ходимлар вазифаси, масъулият даражаси ўзгариб, вазиятли ёндашишга бўлган талаб ўсиб бормоқда. Корхона эришадиган ютуқлар дастлаб унинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи иқтисодий, илмий-техник, демографик омиллар ва ижтимоий муҳитга мослашувига боғлиқдир. Энг керакли воситаларни сотиб олишга, ресурсларни тақсимлашга оқилона ёндашиш лозим. Бунинг учун хўжалик раҳбарига тажрибали технологлар (агроном, муҳандис, зоотехник ва бошқалар) керак.

Корхона қўлга киритадиган муваффақият кўп жиҳатдан инсон омилига боғлиқ. Бозор иқтисоди шароитида агросаноат мажмуини бошқаришнинг ўзига хос муҳим хусусияти унинг очиқ ижтимоий тизим сифатида намоён бўлишидадир. Бошқариш вазифалари шакли, усули ва уларни қўллаш жараёни объектив шароитга мос келмоғи ва доимо ишлаб

чиқариш муносабатларининг ўзгаришига мослашиб бормоғи лозим. У ёки бу бошқарув тузилмасини қабул қилишда корхонанинг ташкилий тузилиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва йириклаштириш даражаси, ўзига хос хусусиятлари, тармоқларнинг жойлашиши, аҳоли пунктлари сони ва катталиқ даражаси, хўжалиқ юритиш усуллари, кадрлар малакасини ҳисобга олиш керак. Хўжалиқнинг бошқарув босқичлари сони, минимал бошқариш ходимлари сони иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, оператив бошқариш учун эса қулай бўлмоғи лозим.

Малакали ва фаол бошқарув тизимисиз агросаноат ишлаб чиқаришини нафақат самарали бошқариш, балки унинг маҳсулотларини сотиш ва истеъмол қилиш ҳам мумкин бўлмай қолади. Агросаноат бошқаруви ходимларида бозор талабларига мос келадиган бошқариш тажрибаси ва малакаси етишмайди. Улар ишлаб чиқариш маркетингига қаратилган бозор шароитида ишлашга ўрганмаган.

Маълумки мамлакатимизда йилларга ном берилишининг рамзий маъноси бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йилни “Обод турмуш йили” ва 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Бунинг негизида нафақат шаҳарларда балки, узок қишлоқларда ҳам ижтимоий иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантириш, аҳолини турмуш маданиятини янги босқичга кўтариш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим ишларни амалга ошириш каби сиёсат турибди. Қишлоқ ҳудудларида олиб борилаётган мамлакат ижтимоий иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардир;

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳолининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкый муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;

- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш⁴.

Республикамизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Шунга кўра, ҳозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу қаторда 2010 йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган, транспорт хизматини яхшилаш масадида 67 та янгиавтомобил маршрути ёлга о'йилди.

Асосий воситалар лизинги учун йиллик тўлов ҳажмининг тахминий 2,5 млн. сўмлик миқдорида фақат 33 гектардан ортиқ ер майдонига эга хўжаликлар бундай тўловни қоплаш имконига эга. Агар бошқа харажат ва тўловларни, кенгайтирилган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олинса, лизингдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган хўжаликлар

⁴ Президент Ислон Каримовнинг 2009 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

камида 40-50 гектар ер майдонига эга бўлиши лозимлиги намоён бўлади»⁵.

Шу каби асослардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

Ўтган йилларда асосий эътибор барча тоифа хўжаликларида чорва мол бош сони ва унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилди. Натижада жами қорамоллар сони 8024,8 минг бошга етиб, шундан сигирлар сони 3327,0 минг бошни, қўй ва эчкилар 13559,4 минг бошни, паррандалар 29498,4 минг бошни ташкил этди. Тирик вазнда 1287,9 м.т(106,5%) гўшт, 5426,3 м.т(106,4%) сут, 2429,0 млн дона (109,7%) тухум, 23779,0 тонна (106,2%) жун ва 896,8 минг дона (114,9%) қоракўл тери ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш мақсадида 22,4 минг нафар фукарога 40,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мавжуд чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида чет эллардан 39,3 млрд. сўмга жами 6501 бош насли моллар келтирилди, бунда бир бош насли молнинг ўртача нархи 3,7 млн. сўмга (2008 йилда 3,6 млн. сўм) тўғри келди.

2010 йилда амалга оширилган ташкилий агротехник тадбирлар натижасида барча тоифдаги хўжалик субъектлари томонидан жами 9 млн. 791,1 м.тмева-сабзавот маҳсулотлари, шундан 5217,4 м.тсабзавот, 1398,7 м.ткартошка, 981,2 м.тполиз, 1402,8 м.тмева ва 791,0 м.тузум ишлаб чиқарилди. Бироқ, бизда ҳали ушбу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш муаммолари тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пилла, жун, тери, пахта ва бошқаларни етиштириш ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида номутаносиблик сақланиб қолмоқда. Жумладан, пахта хомашёсининг 34%, меваларнинг 17%, сабзавотларнинг 12%, полиз

⁵ Холматов Б.А. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2009, 17-18-б.

экинларининг 7%, узумнинг 25%, терининг 28%, жуннинг 17%, гўштнинг 27%, сутнинг 7% саноатда қайта ишланмоқда холос. Шунга кўра, дастурда мева ва сабзовотларни қайта ишлаш корхоналари учун имтиёзларни узайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни табиатнинг турли шароитларига мослаштиришда иссиқхоналарнинг роли катта.

Соҳани ривожлантиришда моддий-техник таъминот масаласига энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани сабабли 2010 йилда қишлоқ хўжалигига хориждан 1149 дона ВТ-150 ва Т-4А русумидаги занжирли ва 459 та МХМ-140 русумли ҳайдов тракторлари ҳамда 386 та юқори унумли СЛАСС компаниясининг «Доминатор-130» русумли дон ўриш комбайнлари олиб келинди. Лизинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 48,9 млрд. сўмлик 3459 дона турли хилдаги техникалар етказиб берилди. 2010 йилда ҳам ушбу анъанани давом эттириб, 7547 та техника лизинг, кредит асосида олиш орқали техника таъминотини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришни ва қурилишни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли фаровонлигини оширишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, 2010 йилда чорвачилик ва паррандачиликда, гўшт ва сутни қайта ишлашда, тикув, пойафзал ва мебель ишлаб чиқаришда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 65 минг янги иш жойи ташкил қилиш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда ҳар бир вилоятда хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш янги иш ўринлари сонини янада оширади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мини технологиялар ярмаркасини ўтказиб, унда миллий ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган техникаларни намоёниш этилиши фермер ва тадбиркорлар учун янги имкониятларни яратади.

Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигида пахтачиликда ишлаб чиқариш ва итисодий кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2013- йилда 2011- йилга нисбатан ўзгариши, %
		2011	2012	2013	

Бир гектор ердан олинган ялпи даромад	Минг сўм	3266.1	3507.8	3842.0	117.6
Бир гектор ерга сарфланган харажат	Минг сўм	2266.3	2679.8	3114.4	137.4
Бир гектор ердан олинган фойда	Минг сўм	937.3	820.0	727.6	77.6
Рентабеллик	%	41.3	30.9	23.3	0.56 пункт камайган
Пахтачиликда меҳнат сарфи	Киши/кун	18000	19200	19500	108.3
Бир бирлик маҳсулотга сарфланган меҳнат сарфи	Киши/кун	15.0	15.0	15.0	100
Бир киши кун ҳисобига етиштирган ҳосил	Сентнер	11.84	11.96	12.2	103.0

Жадвал маълумотлари орқали “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигида пахтачиликнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили билан танишамиз. Бир гектор ердан олинган ялпи даромад 2013-йилда 2011-йилга нисбатан 7.6 %га ошган. Бир гектор ерга сарфланган харажат еса 37.4 %га ошган. 2013-йилда бир гектор ерга сарфланган харажат 3114.4 минг сўмни ташкил қилган. Фермер хўжалигида бир гектор ерга сарфланган харажат ошганлиги сабабли бир гектор ердан олинган 209.7 сўмга ёки 22.4 %га камайган. Шунинг учун фермер хўжалигида рентабеллик даражаси 27.3 %ни ташкил қилган.

Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Т/Р	Корсаткичлар	Ўлчов	Йиллар	2013-
-----	--------------	-------	--------	-------

		бирлиги	2011	2012	2013	йилда 2011- йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	260694	366421.1	504244.6	193.4
2	Ялпи товар маҳсулот таннари	Минг сўм	119303.6	135466.7	150494.8	126.1
3	Фойда (зарар)	Минг сўм	8670.4	46401.8	52074.9	600.6
4	рентабеллик	%	7.2	34.2	34.6	4.5 пунктга кўпайган
Пахтачилик						
5	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	165774.9	161362.7	19050.3	107.8
6	Ялпи товар маҳсулот таннари	Минг сўм	108782.9	123272.4	137033.9	125.9
7	Фойда (зарар)	Минг сўм	44992	38090.3	32016.4	71.6
8	рентабеллик	%	44.1	30.9	29.3	0.66 пунктга кўпайган
Гўаллачилик						
	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	15663.2	20505.8	33519.4	214.0
	Ялпи товар маҳсулот таннари	Минг сўм	10520.7	12194.3	13460.9	127.9
	Фойда (зарар)	Минг сўм	5142.5	8311.5	20058.5	390.0
	рентабеллик	%	48.8	68.1	149.0	3.05 пунктга кўпайган

Битирув малакавий ишини Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалиги мисолида бажариш давомида фермер

хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишга еришдим. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахтачилик бўйича олинган фойда 2013-йилда 32016.4 минг сўмни ташкил қилган ва 2011-йилга нисбатан 28.4 %га камайган. Шунингдек, пахтачиликда рентабеллик даражаси 29.3%ни ташкил қилган ва 2013-йилда 2011-йилга нисбатан 0.66 пунктга кўпайган.

4. Назарий дарс ўтиш методикаси.

4.1. Назарий таълим беришнинг асослари.

Назарий дарснинг асосий мақсади – ўқувчиларга ўргатиладиган фанни асосий назарий қисмини тушунтиришдан иборат. Бунда дидактиканинг илмийлик тамойилларига асосланади. Назарий дарс ўтишда асосан фанлараро боғлиқликка катта эътибор бериш керак.

Касб – хунар коллежларида назарий дарс ўтишда қуйидаги асосий таълим хусусиятларига эътибор берилиши лозим:

1. Ўқитиш давомида тарбияга эътибор бериш;
2. Берилаётган билим, тушунча илмий асосга эга бўлиши ва аниқлик омиллари билан тўлдирилган бўлиши;
3. Тушунтирилаётган мавзулар узлуксиз, илмий асосга эга ва ўқувчилар тушуна оладиган бўлиши;
4. Назарий дарс ҳаётий ва янги маълумотлар билан боғлаб олиб борилиши;
5. Ўқитиш бир тизимли, изчил, фанлараро ва бир фаннинг ўзидаги ўзаро боғлиқликлар орасида бўлиши;
6. Кўрсатмали қуроллар ва ўқитишнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш;
7. Ўқувчиларни дарс давомида қизиқишларини ошириш;
8. Дарс давомида ҳар бир ўқувчининг индивидуал тавсифларини ҳисобга олиш;

Касб – хунар коллежларида назарий таълим бериш жараёни одатда 2 соатлик дарсларда қўлланилади.

4.2. Касб хунар коллежларининг ўқув ва йиллик мавзулар режаси.

Касб – хунар таълимида ўқув режаси ва дастури ўқув жараёнини аниқ ташкил этишнинг асоси бўлиб, у дидактик тамойилларга тўла – тўқис мос келадиган бўлиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи таълим режаси ва дастурини бажаришни, ўқув материалларининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим топшириқларини, билим кўникма ва малакаларни юқори даражада бўлиши учун жавобгардир.

Ўқув дастури – аниқ фан бўйича ўқитишнинг мазмунини айти фаннинг ҳажмини ва уни ўрганиш тартибини белгилайди. Ўқув дастурини мазмуни; боб ва мавзулар бўйича билим, ўқув малакаларни ҳажмини, фанни ўрганиш тартиби, ҳар бир фан белгиланган вақт, айти фан бўйича дарсликлар ва қўлланмалар.

Касб – хунар таълими ўқув режаси асосида олиб борилади. Ўқув режаси – давлат хужжатидир. Ўқув режаси таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади. Режага киритилган фанлар таълимнинг илмийлиги, ғоявийлиги, миллийлиги ҳамда ўзининг келажагига муносиблиги, маънавий етук баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади.

Йиллик мавзулар режаси – ўқув дастурини асосий қисмини ташкил этиб, унда мавзулар тартиби ва номи шу жумладан назарий, лаборатория, амалий машғулотлар учун ажратилган вақтлар берилган бўлади.

Касб – хунар коллежларида тақмивий режа ўқитувчиси томонидан тузилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ – ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ўқитувчи Бердиев Акбар Рахимовичнинг Иқтисодиёт асослари
фанидан Бухгалтерия ҳисоби таълим йўналишининг III курс АТ – 25
гурух учун 2011-2012 ўқув йилига мўлжалланган

ЙИЛЛИК ТАҚВИМ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

2011 йил 28 августда тасдиқланган дастур асосида тузилган

Режадаги жами соатлар	36 соат
Шу жумладан маъруза учун	18 соат
Амалий машғулотлар учун	18 соат

Иш режа “Бухгалтерия ҳисоби ва
Молия” фанлари кафедраси
йиғилишида кўриб чиқилди ва
27.08.2011 йилда № 6 сонли
мажлис қарорига асосан
маъқулланган

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Директор муовини

«____» _____ 2011 й

Кафедра мудири _____

Қарши 2014-йил

Йиллик таквимий мавзулар режаси

Да рс №	Бўлим ва мавзулар	Ажрат		М уддати	арс тури	Кўргазмали куроллар ва техник воситалар	Фойдаланиладиган адабиётлар	Ўқувчилар учун топириқлар (вазифа)	зох
		илган соат	аз.						
1	“Қишлоқ хўжалигининг моддий –техник” ресурслари тушунчаси				аз.	Компьютер, проектор корхона низоми бўйича слайд.	Каримов И.А. 2012йил Ватанимиз тарккиётининг янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси //Халқ сўзи – 2012.20январ	Мустақил ўрганиб келиш	
2	Қишлоқ хўжалик корхоналари моддий – техника ресурслари таъминотининг ташкилий				мал.	Тарқатма материаллар, слайд ва назорат варақалари.	Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т. Ехтремум Пресс, 2011й	Мустақил ўрганиш, ўқиш	
3	Қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий – техника таъминотининг иқтисодий омиллари ривожлантириши нг йўналиши				аз.	Тарқатма материаллар ва мавзуга оид слайд	Ҳамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т. Фан ва технология, 2010 й	Мустақил ўқиб ўзлаштириб келиб	

4.3. Назарий дарс ўтиш методикаси.

Мавзу: Инфратузилмани ривожлантириш учун кишлоқ хўжалигининг моддий – техника ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари

Дарснинг тури: Назарий машғулот.

Дарс учун ажартилган вақт: 20 соат.

Дарс ўтиш жойи: Дидактик воситалар билан қуролланган “Иқтисодиёт фанлари” хонаси.

Ўқитиш услуби: оғзаки, кўргазмали – тушунтириш.

Интерфаол усуллар: ақлий ҳужум, идрок харитаси, зинама – зина.

Ўқитиш воситалари: дарслик, ўқув қўлланма, доска – экран, компьютер технологияси.

Дарснинг жиҳозланиши: Мавзуга тегишли слайдлар, тарқатма материаллар, графиклар электрон дарслик, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа дидактик материаллар.

Дарснинг мақсади

Асосий мақсад: Инфратузилмани ривожлантириш учун кишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланишнинг йўллари, улардан фойдаланиш даражалари, моддий – техника ресурсларини шакллантирилиши кабиларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга жамоа бўлиб ишлаш ва ўзаро ҳурмат, меҳнаткашлик, ҳаётга онгли муносабатда бўлиш, инсонийлик каби хислатларни шакллантириш, иқтисодиётнинг жамият ҳамда оилани ривожлантиришдаги ижобий томонларини тушунтириш.

Ривожлантирувчи мақсади: Ўқувчиларда шахсий психологик хусусиятларини шакллантириш ҳамда диққат, хотира, идрок машқи ва фанга қизиқишини ривожлантириш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

Ўқитувчи аудиторияга киргандан сўнг ўқувчилар билан саломлашади, гуруҳ давоматини аниқлайди ва ўқув хонасининг дарсга

тайёлигини ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик ҳолатини кўздан кечиради.

II. Ўтилган олдинги мавзунини ўқувчилардан сўраш.

1. Олдинги дарсда ўтилган “Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, илғор технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш” мавзусини ўқитувчи томонидан “Муаммоли вазият” методи асосида, саволлар орқали ўқувчилардан сўраш ва уларнинг мавзунини ўзлаштириш даражаларини баҳолаш.

А)Моддий техника ресурслари деганла нимани тушунаси?

Б)Қишлоқ хўжалиги моддий – техника ресурсларининг таркиби нималардан иборат?

В)Моддий – техника, тараққиёти, йўналишлари деганда нимани тушунаси?

С)Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси нималардан ташкил топади?

2. Савол жавобларда фаол қатнашган ўқувчилар билимини баҳолаш ва уларга эълон қилиш. Мавзу юзасидан ўқувчилар билимини баҳолашда уларнинг фанга бўлган муносабати, мотиви, жавоб беришда ўзини тутиши, муаммоли вазиятни ечиши ва мустақил фикрини ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларга баҳо қўйишда уларга иложи борица юқори балл қўйиш мақсадга мувофиқ., чунки юқори балл олган ўқувчининг фанга иштиёқи ва ўқиш мотивлари ижобий томонга ўзгаради.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш.

Маъруза дарсида ўтилган мавзунини ўқувчилардан сўраш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини мустаҳкамлаш ва ўтилган мавзу қисқа, равшан ва аниқ фактларга таяниб сўраш лозим. Уларга муаммоли вазият – топшириқлар бериб, муаммо ечимини топган ўқувчиларни баҳолашда уларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Бунга жавобларига танқидий муносабатда бўлмаслик, ўқувчиларнинг берган жавобларининг тўғрилиг, ўзини тута билиши, тушунтиришдаги нутқи, қизиқиши ва фанга бўлган муносабатлари киради. Уларни баҳолашда имкон қадар юқори ёки ижобий балл қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўтилган мавзу мустаҳкамлангандан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар томоноидан тўхталмай, айтилмай қолган мавзунинг асосий бандларини такрорлайди, ечилмай қолган муаммолар тушунтирилади ва янги мавзу билан боғланади.

III. Ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаш.

Янги мавзуни баён этишдан олдин ўқитувчи ўтилган мавзуни такрорлаб, уни янги мавзуга боғлайди, узвийлик, тизимлилик ва изчиллик қондасига амал қилади. Шундагина ўқувчилар янги мавзуни тез ва осон тушуниб оладилар.

IV. Янги мавзуни баён этиш.

Янги мавзуни баён этишдан олдин, мавзу доска экранга (ёзиб) намоёйиш қилинади. Мавзу режаларини ҳам доскага ёзиб қўйиш (намоёйиш этиш) мақсадга мувофиқ. Режалар имкон борича дарснинг охиригача сақланиши лозим. Мавзуга оид тарқатма материаллар ўқувчилар эътиборига етказилади ва дарс учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади.

Мавзу: “Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсивлиги ривожланишининг иқтисодий самарадорлиги” мавзусини кейс таълим технологияси асосида ўқитиш методикасини яратиш.

Режа:

1. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушунча, унинг иқтисодий мақсади ва асосий омиллари.

2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартиби.

3. Қашқадарё вилояти Косон тумани “Файзийев Абдусамад – Г” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.

4. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, уни техник ва технологик янгилаш тармони интенсив ривожлантиришга таъсири.

5. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида, меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги аҳолиси турмуш даражаси шароитини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг интенсивлаштиришда тутган ўрни.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бир йўналиши- ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум

даражада ижобой ҳал қилишга олиб келади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни еркинлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугунги ривожини кўриш мумкин емас.

V. Назарий дарс ўтишда таълимнинг кейс таълим технологиясидан фойдаланиш.

„Case“ сўзи лотинча „casys“ - „воқеа, ҳодиса“ сўзидан келиб чиққандир. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган қандайдир воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади. Умуман олганда, кейс-стади (аниқ бир вазият ёки ҳолат), муайян жараёнида содир бўладиган ҳақиқий воқеяликни сўзлар, рақамлар образларда ифодалашда намоён бўлади. Бундан ташқари, бу ифода таълим соҳасида, ҳодиса ёки вазиятни тадқиқ этиш учун ишлатиладиган ахборот, стенография сифатида қўлланилади. Кейс-стади, муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши зарур. Кейс-стади атамасини алоҳида қайд этиш лозим.

VI. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.

Дарс охирида ўқувчилар янги ўтилган мавзунини чуқурроқ тушунишлари учун қуйдагилар амалга оширилади:

1. Ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш;
 2. Мавзунини мустаҳкамлаш учун мавзу юзасидан вазиятлар яратиш, ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиб баҳолаш ва ўтилган дарсни хулосалаб яқунлаш.
- Инноватсия нима ?
 - Интенсив ривожланиш деганда нимани тушунасиш ?
 - Фермер хўжалигини интенсивлаштириш нима ?

VII. Уйга вазифа бериш

1. Ўқувчиларга уйга вазифа беришда дарслик, ўқув қўлланма рўйхати, маъруза матнларининг елестрон талқинларни, тарқатма материаллар дискларда берилиши лозим.
2. Мавзунини ўқиб ўрганиш, мустақил ўрганиш ва мавзуга оид интернет янгиликларини олиб ўрганиш.
3. Кейинги машғулоти муаммоли ўқитиш усули билан „Кластер“ техникаси асосида ўтилиши айтилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т. “Ўзбекистон”, 2009й, 56-бет.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликга эришиш оstonасида” Т. Ўзбекистон, 2011-йил.
3. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси” Т. Ўзбекистон, 1998-йил.
4. Жўраев З. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Истиқлол” Т. 2004-йил, дарслик, 504-бет.
5. Тўрахўжаев Т. “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш технологияси”, Тошкент, 2004-йил, Ўқув қўлланма, 153-бет.
2. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, Т.2011й, 412-бет.

Амалий машғулотда таълим технологияси модели

Мавзу: Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Таълим бериш технологияси модели (амалий)

Ажратилган вақт: 2 соат	Талабалар сони: 20-25 та
Машғулونинг шакли, тури	Амалий
Машғулот режаси	1) ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушунча 2) ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартиби 3) Қашқадарё вилояти Косон тумани „Файзиев Абдусмад-г “фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили
Машғулотнинг мақсади	Талабаларни таълим тизими ва унинг турлари моҳиятини билиш, мустақил фикрлашга ўргатиш, мавзу бўйича билимларни чуқурлаштиришни таъминлаш
– Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш тўғрисида тушунча, унинг иқтисодий моҳияти ва асосий омилларини ўрганиш – Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартибини ўрганиш – Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш	– Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш тўғрисида тушунча, унинг иқтисодий мазмуни ва асосий омилларини ўргатади – Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартибини ўргатади – Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларини ўргатади
Таълим усуллари	Кейс таълим технологияси, ақлий ҳужум
Таълим шакли	Жамоавий гуруҳларда ишлаш
Таълим воситалари	Маъруза матни, техник воситалар
Таълим бериш шароити	Гуруҳли шакилларда мўлжалланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки синов, тезкор сўров ва ҳоказо

Ўқув машғулотининг технологик харитаси (жадвал)

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
I босқич Кириш (10 дақиқа)	1.1 ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади 1.2 Экранга мавзунинг режаларини чиқаради ва уларга таянч ибораларни изоҳлаб беради 1.3 Биринчи машғулоти мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолиятини натижалари билан таништиради 1.4 Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш меъзонлари билан таништирилади 1.5 талабаларни билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради	Тенглайдилар ёзиб оладилар Аниқлаштира дилар, саволлар берадилар
II босқич Асосий қисм (60 дақиқа)	2.1 Power point дастури ёрдамида файларни намоиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2 Талабаларга фермер хўжаликлари интенсивлаштирилиши ҳақида маълумот берилади 2.3 Талабалар билимларини мустаҳкамлаш мақсадида муаммоли топшириқлар, кейс таълим технологиялари асосида жавобларни аниқлаштиради	Жавоб берадилар, ёзадилар Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва ҳокazo
III босқич Якуний қисм (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади 3.2 Гуруҳларга ўзаро қўйган баҳоларни ёллон қилади, ўқув машғулоти натижаларини шарҳлайди Мустақил ишлар учун вазифа беради, SWOT-таҳлил асосида ўрганиб келиш	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар Савол берадилар Топшириқни ёзадилар

5.Амалий машғулотни ўтказиш методикаси.

5.1. Амалий машғулотларни ўтказишдаги умумий методик кўрсатма.

Таълим муассасаларида ўқувчилар амалий машғулотларда назарий курсда олган билимларни чуқурлаштирадilar, кенгайтирадilar, мустаҳкамлайдилар. Бу машғулотлар ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашни, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил этиш шаклидир. Амалий машғулот ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади, ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзу саволлари муҳокамасини яқунлайди, зарур қўшимча, тузатишлар киритади, материални системага олади.

Мамлакатимиз касб – ҳунар коллежларида амалий машғулотларни ташкил қилишнинг звеноли(гурухли)шакллари қўлланилади. Бу машғулотлар махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба участкасида, шунингдек, бевосита таълим ишига алоқадор маълум объектни кузатиш, ўрганиш йўли билан олиб бориладиган машғулотдир. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар ўқувчиларнинг билимини синашга хизмат қилади.

Амалий машғулотларда машқлар, лаборатория ишларини ўтказиш, ҳар хил илмий тажрибаларни ўтказиш кабилар амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маърузаларда олинган назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғланади ва ўқувчилар томонидан тажрибалар амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир амалий машғулот дарсини ўтказиш режасини пухта тузиб чиқиши керак. Уни қандай янги педагогик технолгиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланиб ўтишини аниқлаб олиши зарур. Керакли кўрсатма ва тарқатма материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Амалий машғулот дарсларида савол – жавоб, дискуссиялар ташкил қилинади, фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилиб балл қўйилади. Амалий дарсни ўқитувчи хулосалаб яқунлайди.

Амалий машғулотлар қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- ўқувчиларнинг илмий – тадқиқот ва билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан олиниши;

Ўқитувчи амалий ёки семинар машғулоти олиб боришнинг қатъий ўйланган аниқ режасини тузиши ва дарсни ўтиш усулини аниқлаши ва танлаши шарт. Албатта янги педагогик технологиялардан, ахборот воситаларидан фойдаланишни режалаштириш лозим. Бу борада касб – ҳунар коллежларида замонавий технологиялар имконияти ва шарт – шароитлар мавжуд. Бу машғулотларни олиб боровчи ўқитувчининг ўзи ҳам кўрсатилган адабиётлар бўйича машғулотга пухта тайёргарлик кўриш, шунингдек услубий кўрсатма ва тарқатма материалларни ўқувчиларга етказиш учун тайёр ҳолга келтириб қўйиши лозим.

Ўқитувчи амалий машғулотларини бошлашдан олдин ташкилий ишларни ўтказди. Давоматни аниқлайди, аудиториянинг ҳолатини (тозалиги, доскада бўр ва ўчириш воситаларининг мавжудлигини) кўздан кечиради. Олдинги машғулотда ўтилган мавзунинг асосий маъноси ва хулосаларни қисқача такрорлайди ва янги мавзунини эълон қилади.

Ўқувчиларнинг амалий машғулотга тайёргарлиги аниқланади. Режа бўйича саволларга навбат билан ўқувчиларни жавоб беришлари турли интерактив усулларда ташкил қилинади. Ўқувчининг жавобларини гуруҳдошлари ва ўқитувчи тўлдиради. Саволнинг ёритилгандан қолган қисмлари бошқа ўқувчилар томонидан тўлдирилади. Режадаги барча саволлар муҳокама қилиб бўлингач ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Ўқувчиларнинг семинар машғулотига олган балларини эълон қилади.

5.2 Амалий машғулотни ўтказиш методикаси

Мавзу: „Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш интенсивлиги ривожланишнинг иқтисодий самарадорлиги“ мавзусини кейс таълим технологияси асосида ўқитиш методикасини яратиш

Талабалар сони: 20 та

Машғулотга ажратилган вақт: 2 соат

Дарс шакли: Кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш

Машғулот режаси:

1. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушунча, унинг иқтисодий моҳияти ва асосий омиллари.
2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартиби.
3. Қашқадарё вилояти Косон тумани „Файзиев Абдусамад-г“ фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.

4. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, уни техник ва технологик янгилаш тармоқни интенсив ривожлантиришга таъсири.
5. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни тизимини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг интенсивлаштиришда тутган ўрни.

Дарс мақсади: Идрок этилган билимларни мустаҳкамлаш, ўқувчиларга Республикамизда фермер хўжаликлари интенсив ривожланишининг самарадорлигини ташкил қилиш зарурияти ҳамда уларни қишлоқ хўжалигидаги ўрни, ривожлантиришнинг босқичлари ва уларни моҳиятини аниқлаш, тўғри мулоҳазаларни шакллантириш, билим ва амалий кўникма, малакалар ҳосил қилиш .

Машғулотни ўтказиш жойи: гуруҳда ишлашга мўлжалланган дидактик воситалар билан жиҳозланган ўқув хонаси.

Ўқитиш усуллари: оғзаки, амалий ва кўргазмали

Интерфаол усуллар: кластер, музёра, кейс таълим технологияси

Ўқитиш воситалари: дарслик, электрон дарслик, слайдлар.

Ўқитишнинг техник воситалари: дидактик материаллар ва компютер техникалари.

Амалий машғулотнинг бориши.

I. Ташкилий қисм.

Ўқувчилар билан саломлашиш, давоматни аниқлаш, ўқувчиларни машғулотга тайёргарлигини текшириш ва ўқув аудиториясининг машғулот ўтиш учун тайёрлигини кўздан кечириш.

II. Амалий машғулот дарсида педагогнинг вазифаси.

1. Ўқитувчи амалий машғулотни олиб боришнинг қатъий ўйланган режасини тузиш , дарс ўтиш усулини аниқлаш ва танлаш шарт, шунингдек ахборот воситаларидан фоситаларидан фойдаланиши лозим. Амалий машғулотни олиб боровчи ўқитувчи адабиётлар билан тайёргарлик кўрган, услубий кўрсатма ва тарқатма материалларни талабаларга етказиш учун тайёр ҳолга келтирилади.
2. Олдинги амалий машғулотларда ўтилган мавзунинг асосий мазмуни ва хулосаларни қисқача такрорлайди ва янги мавзунинг эълон қилади.

3. Янги амалий машғулотнинг мавзуси режалари, назорат саволлари ва адабиётлар рўйхатини компьютер ва проектор орқали доска-экранга узатиб бериш мумкин.
4. Режа бўйича саволларга навбат билан ўқувчиларни чиқариб мавзуга оид билимларини мустаҳкамлаш мақсадида жавоб беришда турли интерактив усуллардан фойдаланилади. Масалан, режадаги 1-саволга талаба жавоб беради. Унга талабалар ва ўқитувчи саволлар беради, муаммоли ҳолат юзага келтирилади. Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил ишлаш ва изланишга ундайди.
5. Талабанинг жавобларини гуруҳдошлари ва ўқитувчи тўлдиради. Саволларнинг ёритилмай қолган қисмлари бошқа талабалар ва ўқитувчи томонидан тўлдирилади.
6. Сўнгра 2- саволнинг , 3 ва 4-5 саволларнинг муҳокамаси шундай , яъни юқоридаги тартибда олиб борилади.

III. Ўқув натижалари.

1. Амалий машғулотда ўқувчилар қуйдагиларни билиши керак ;
 - Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг мақсади, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини англаб тушунтириб беради;
 - Қишлоқ хўжалигида аграр-иқтисодий ислохотларнинг зарурлиги ва қишлоқда мулкӣ муносабатларни такомиллаштириш масалаларини таҳлил қиладилар;
 - Фермер ва деҳқон хўжаликларининг мамлакат озиқ-овқат программасини ҳал этишдаги ва қишлоқ хўжалигидаги ўрни ҳақида мустақил мушоҳада юрита олади;
 - Ўзбекистон Республикаси фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг босқичлари ҳамда ҳар бир босқичдаги тадбирларнинг мазмунини аниқ айтиб бера олиши;
 - Мавзу моҳиятига оид „Ер кодекси“, „Фермер хўжаликлари тўғрисида“ги, „ Деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисида“ги қонунларни санаб ўтиши ва қисқача изоҳлаб бериши лозим.

IV. Ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолаш

1. Саволлар тўлақонлини очиб бериш бўйича талабалар ўртасида қизғин мунозаралар ташкил этади. Талабаларнинг фикрларини ўқитувчи тўлдириб, тўғри йўналтириб боради.
2. Машғулот давомида режа мазмунини ёритиб, савол-жавобда фаол қатнашган талабаларга ўқитувчи томонидан балл қўйилади ва олган баллари ёллон қилинади.
3. Фаол қатнашган ўқувчилар ётироф этилади ва савол жавобларда яхши қатнашмаган талабалар огоҳлантирилади.
4. Амалий машғулотда гуруҳдаги барча ўқувчиларга қатнашишига қараб, аввалдан белгиланган максимал балл доирасида балл қўйилади.

V. Якуний (йўриқнома) босқич.

1. Режадаги барча саволлар муҳокама қилиниб бўлгандан сўнг ўқитувчи мавзуга якун ясаб, хулосалайди.
2. Дарс охирида кейинги амалий машғулотнинг мавзуси, режаси ва унга тайёргарлик кўриш бўйича кўрсатмалар берилади

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Т. Ўзбекистон, 2009-йил, 56-бет
2. Каримов И.А. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Т. Ўзбекистон, 2011-йил
3. Тўрахўжаев Т. „ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш технологияси” Тошкент, 2004-йил, Ўқув қўлланма .

**Мавзу: Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини
интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги мавзусини
технологик харитаси.**

Машгулотга ажратилган вақт: 2 соат	Талабалар сони 25 та
Ўқув машгулотини шакли	Амалаий машгулот
Ўқув машгулоти режаси	1. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш тўғрисида тушунча, унинг иқтисодий моҳияти ва асосий омиллари. 2. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартиби. 3. Косон туманидаги “Файзиёв Абдусамад-Г” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.
Ўқув машгулоти асосий мақсади	Ўқувчиларни чорвачилик, фермер хўжалиги маҳсулотлари етиштириш усуллари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш
Педагогик вазифа: • Ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш тўғрисидаги тушунчаларни ўганиш; • Ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш; • Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни ўрганади.	Ўқув фаолиятининг натижаси: • ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг тўғрисидаги тушунчаларни ўганади; • Ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичларини ўрганади; • Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни ўрганади.
Ўқитиш усуллари;	Оғзаки, кўргазмали-амалий
Интерфаол усуллар:	Кейс таълим технологияси, Кластер
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик, ўқув қўлланма
Ўқитиш шакли	Кичик гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт шароитлари	Техник воситалар, таъминланганлик
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари

**Мавзу: Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини
интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги мавзусини
технологик харитаси.**

Иш босқичи ва вақти	Фаолият мазмуни	Ўқувчи
	Ўқитувчи	
I. босқич тайёрлов (20 дақиқа)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, ўқув фаолияти натижаларини еълон қилиш; 1.2. амалий машғулотларни ўтказиш хусусиятлари билан ўқувчиларни тушунтиришдир. 1.3. Мавзу бўйича топшириқларни, тарқатма материалларни тарқатади. 1.4. Саволлар бериб талабаларнинг билимларини фаоллаштиради.	Эшитишади ва ёзиб олишади
II. босқич Асосий (50 дақиқа)	2.1. Машғулотни асосий вазифаларини ечиш учун ўқувчилар гуруҳларга фермер хўжаликларини интенсивлаштириш бўйича фикрларни кўриб чиқиш, слайдларини Power Поинт тартибида тақдим етиш керак. 2.2. Кейс таълим технологияси асосида фермер хўжаликларини интенсивлаштириш йўллари кўриб чиқиш. 2.3. Кейс таълим технологиясидан фойдаланиб муаммоларни ечиш, ўқитувчи тўғри ахборот беради.	Талабаларни гуруҳларга бўлиб ишлайдилар
III.	3.1. Ўтилган машғулотга муаммоли савол жавобларга якун ясовчи, хулоса қилади. 3.2. Гуруҳ ишини баҳолайди. 3.3. Кейс таълим технологиясидан кўпроқ қаерда фойдаланишни айтиш.	Ешитади ва ёзиб олади

Хулоса

Мустақил давлатимиз ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил етилган замонавий моддий – техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув- методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни касбга ўргатиш уларда касбий маҳоратга ва кўникмаларни ҳосил қилишда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими муҳим аҳамият касб этади.

Таклиф етилаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги мавзусунинг дарс ишланмасини тайёрлаш йўналишида ўқитишни янги талаб ва еhtiёжлар асосида ташкил қилишга қаратилган бўлиб, уни ўқув жараёнига қўллаш билан таълим муассасаларида бир мунча таълимни сифат ва самарадорлигини оширишга еришилади.

Касб-хунар коллежларига замонавий педагогик технологияларни, ўқитишнинг кейс таълим технологияси асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, дарс ишланмалари тайёрлаш натижасида ўқув жараёнига қўйилган мақсадларни юқори савияда амалга ошириш, таълим жараёнида ўқувчи фаоллигини ошириб таълимдан кўзланган мақсадга еришишни осонлаштиради, шуненгдек комил инсонни шакллантириш учун асосий омил саналган педагогик жараённи такомиллаштиради ва сифатли ташкил етишни таъминлайди.

Мен ушбу битирув малакавий ишимни ўзим танлаган „ Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсиве ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги “ мавзусини кейс таълим технологияси асосида ўқитиш методикасини яратиш мавзуси бўйича бажардим. Битирув малакавий ишимни ёритишда Косон туманидаги „ Файзиев Абдусамад-г “ фермер хўжалиги объект сифатида танланган. Фермер хўжалигининг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари билан танишдим ҳамда хўжаликнинг еришган ютуқлари ва юзага келган муаммолари тўғрисида таҳлил қилдим.

Бугунги кунда ушбу мавзу енг долзарб ҳисобланиб, чунки, ҳозирги жаҳон молиявий –иқтисодий инқироzi рўй берган шароитда ва аҳолининг табиий ўсиши кўпайиб бориши натижасида уларни озиқ овқат маҳсулотлари таъминлаш зарурдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бунинг учун узликсиз

ҳосил олиш ҳамда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини модернизатсиялаш зарур.

Косон туманидаги „ Файзиев Абдусамад-г “ фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва истиқболда фермер хўжалигининг иқтисодий мустаҳкамлигига еришиш мақсадида чора- тадбирларни бажаришни таклиф қиламан.

1. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва фермер хўжалигини ихтисослаштириш, алмашиб екишни йўлга қўйиш, ерга ўз вақтида ва белгиланган миқдорда органик ва кимёвий ўғитларни бериш, ерларнинг агротехник тадбирларини ўз вақтида бажариш ва замонавий моддий-техник базасидан фойдаланиш ҳамда ҳосилни оширишга еришиш
2. Ер ва сув ресурсларидан ўз вақтида фойдаланиш, янги технологияларни жорий қилиш ҳамда селекция ва уруғчилик ишларини яхшилаш, алмашлаб екишни тўғри жорий қилиш, талаб ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда екин турларини жойлаштиришни ратсионал ташкил етиш.
3. Фермер хўжалигида истиқболли режалар асосида иш юритишни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш, янги техника ва технологиялар билан таъминланишига еришиш ҳамда молиявий имкониятни яхшилашнинг бошқа йўлларида ҳам самарали фойдаланишни амалга ошириш ва ҳоказолар

Юқорида келтирилган барча тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан ўз ўрнида ўз вақтида фойдаланиш, давлат томонидан бериладиган имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, истиқболдаги ютуқларга имкон яратиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф етишга ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариши интенсив ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини кейс таълим технологияси асосида ўқитиш методикасини яратиш орқали фермер хўжаликларида интенсиве ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигига еришиш мумкин деб ўйлайман.

Малакавий ишимда „ фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш самарадорлиги” мавзусининг дарс ишланмасини тайёрлашда айнан кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум ва кейс таълим технологиясидан фойдаланиб ўқувчилар олдида муаммоли топшириқларни қўйиш, муаммоли вазият яратиш, муаммоларни мустақил ҳал етиш, якуний хулосалар чиқаришкаби жараёнларни ўз ичига олади. Демак, бу каби интерфаол методлар ўқувчи (талаба) ни мустақил фикрлаши ва изланишга ўргатиши, номаълум нарсаларни ёритишга

еришишни тарбиялайди, ҳамда илмий билишни ривожлантиришга асосий ўмак беради. Коллежларда ўқув жараёнида инноватсион технологиялардан фойдаланиш унинг сифат ва самарадорлигини ошириб таълимдан кўзланган натижага еришишни осонлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни „Фермер хўжалиги тўғрисида” (янги таҳрирда) 2004-йил 26- август.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни „ Тадбиркорлик фаолияти еркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2000-йил 25-май
3. Ўзбекистон Республикаси президенти 2007-йил 31-октябрдаги „2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 718- сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси президенти 2008-йил 6-октябрдаги „ Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида “ги 3077- сонли фармойиши.
5. Каримов И.А. „ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари ” Т. Ўзбекистон, 2009-йил, 56-бет
6. Каримов И.А. „Асосий фазиғамиз- ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир “ Т. Ўзбекистон. 2010-йил 47-бет
7. Каримов И.А. „Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Т. Ўзбекистон, 2011-йил
8. Каримов И.А. „Ўзбекистон мустақилликка еришиш остонасида “ Тошкент. Ўзбекистон 2011-йил
9. Каримов И.А. „ 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар етиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади” Халқ сўзи газетаси 18.01.2014-йил
10. Каримов И.А „Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. „Шарқ” нашриёти 1998-йил.
11. Азизхўжаева Н.Н. „Педагогик технология ва педагогик маҳорат” Тошкент, 2003-йил
12. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар „ Корхона иқтисодиёти”, Дарслик ,Т. Фан 2005-йил 288-бет
13. Абдуғаниев А. „ Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент. 2004-йил, 304-бет

14. Айбенов Х. Раҳмонов М. „деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш” Т. 57-бет Ўзбекистон иқтисодий Ахборотнома 2004-йил 9-10 сони.
15. Мавлонова Р. Тўраева О. Педагогика” Т. Ўқитувчи. 1996-йил.
16. Хўжаев Н. Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика” ўқув қўлланма, Т. 2002-йил
17. WWW.агробуссинес.ру
18. WWW.кубагро.ру
19. WWW. украгросонсулт.нет
20. WWW.унесе.орг Орг
21. WWW.интер педагогика.ру

Мундарижа

Кириш	4
1.Фан ва мавзунинг тавсифи	6
1.1. Касб – хунар коллежларида кичик мутахасисларни тайёрлашда “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанининг тутган ўрни ва фанлараро боғлиқлиги	6
1.2. Танланган мавзунинг долзарблиги	7
1.3. Касб – хунар коллежларининг мақсад ва вазифаси	8
2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари	10
2.1. Дидактиканинг моҳияти	10
2.2. Дидактик принципларни ўқув жараёнига қўллаш	11
2.3. Касб – хунар коллежларида ўқитишнинг мазмуни	13
2.4. Дарс, унинг турлари ва тузилиши, дарсга бўлган талаблар	15
2.5. Ўқитиш методини танлаш ва асослаш.	19
2.6. Таълимнинг янги педагогик технологиялари	22
2.7. Ўқитишда кўргазмали қўлланма ва дидактик воситалар мажмуасидан фойдаланиш.	24
3. Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси	29
3.1. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушубча, унинг иқтисодий моҳияти ва асосий омиллари	29
3.2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш тартиби	36
3.3. Қашқадарё вилояти Косон туманидаги „ Файзиев Абдусамад-г “ фермер хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичлари	40
3.4. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, уни техник ва технологик янгилаш тармоқни тармоқни интенсив ривожлантиришга таъсири	53
3.5. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини интенсивлаштиришда тутган ўрни.	64
4. Назарий дарс ўтиш методикаси	75
4.1. Назарий таълим беришнинг асослари	75
4.2 Касб-хунар коллежларининг ўқув ва йиллик мавзулар режаси .	75
4.3. Назарий дарс ўтиш методикаси	79
5. Аамалий машғулотни ўтиш методикаси	86
5.1. Амалий машғулотни ўтказишдаги умумий методик кўрсатма .	86
5.2. Амалий машғулотни ўтказиш методикаси.	87
Хулоса	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	96
Мундарижа	98